



АҚШ Давлат департаменти 30 июл куни эълон қилган янги ҳисоботда шундай хулосага келинган. Жаҳондаги диний эркинликлар вазиятига оид 2012 йилги ҳисоботни Давлат котиби Ҳиллари Клинтоннинг ўзи тақдим қилди. Ўзбекистон хавфсизлик баҳонасида диний эркинликларни бўғмоқда.

шича, шаккоклик, муртадлик ва диний туйғуларни ҳақоратлаш каби баҳоналар воситасида ҳукуматлар диний эркинликларни чеклаш амалиётини давом эттирмоқда.

Хитой, Эрон, Шимолий Корея ва Саудий Арабистони ҳар доимгина Вашингтон тарафидан дунёда диний эркинликларни муттасил топтаб келаётган давлатлар сирасига киритилган бўлса, Вашингтон иттифоқчилари бўлиб келган Афғонистон ва Покистонда ҳам айнан шу соҳада жиддий муаммолар борлиги эътироф этилади.

Айнан шундай, АҚШнинг Афғонистонда “демократия” ўрнатиш бўйича яқин иттифоқчисига айланган Ўзбекистон ҳукумати ҳам, хавфсизликни ҳимоя қилиш баҳонасида ўз аҳолиси диний ҳақларини поймол қилаётганлиги айтилган.

ҳисоботда ёзилишича, диний гуруҳлар аъзолари дин тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун йирик миқдорда жазимага солиниши ва ҳатто қамалиши мумкин.

Ўзбекистон қонунлари диний жамоатларга сиёсий партиялар ва жамоатчилик ҳаракатларини ташкил этиш, шунингдек, хусусий йўсинда диний таълим берилишини манъ қилади (!) (Яъни мусулмон жамоалар сиёсий ва ижтимоий фаолият ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум қилинади! Тасаввур қилиб кўринг, Германия (Ангела Меркель – Христиан-Демократик партия вакили) ёки АҚШда (Республикачилар партияси – Христиан сионистлар ва яҳудий гуруҳлар тарафидан лобби этилади) шунга ўхшаш таҳқиқларни, аллақачон у ердаги ҳукуматларни ағдариш ташлашган бўларди – таҳр.)

КАРИМОВ АМЕРИКАДАН ЎРНАК ОЛАДИ, АММО АМЕРИКАДАН ДОИМ ТАНҚИД ЭШИТАДИ

АҚШ Давлат департаменти 30 июл куни эълон қилган янги ҳисоботда шундай хулоса келтирилган. 2011 йил бўйи жаҳондаги диний эркинликлар исканжада қолишда давом этди ва кўплаб ҳукуматлар диний экстремизмга қарши кураш баҳонасида инсонларнинг фундаментал ҳаққи бўлган эътикод эркинлигини бостириш сиёсатини давом эттирдилар, дейилади душанба куни Вашингтонда тақдим этилган АҚШ Давлат департаментининг дунёдаги диний эркинлик манзарасига оид янги ҳисоботида. Аммо янги ҳисоботни тақдим этган Давлат котиби Ҳ.Клинтоннинг таъкидлашича, ҳукуматларнинг кўпчилиги ўз фуқароларининг айнан ана шу фундаментал ҳаққига энг кўп даҳл қилмоқда ва 2011 йилда бу соҳада янада ортга силжиш кузатилган: - Бугун диний эркинликларнинг жаҳон бўйлаб вазиятига қарасак ва бу эркинликлар кўлами кенгаймоқдами ёхуд тораймоқда, деган саволни ўртага қўйсақ, бунинг жавоби одамни ҳушёр тортирмай қолмайди. Бугун бир миллиарддан ошқ одам диний эркинликлар муттасил тарзда топталаётган ҳукуматлар қўл остида яшамоқда. Шу боис, диний эркинликлар муаммосига эътибор қаратишимиз ўта муҳимдир, деди янги ҳисоботни тақдим этган Клинтон. Ҳисоботда қайд этили-

Бу йилги ҳисобот муаллифларига кўра, Ўзбекистонда бир йил мобайнида расмийларнинг диний эркинликларга муносабати ўзгармаган. Бу мамлакатда расмийлар назарида фаолияти экстремистик дея баҳоланган диндорларни ҳибсга олиш, қийнаш, қалтақлаш амалиёти ҳамон давом этмоқда. Ўзбекистонда диний гуруҳлардан мажбурий равишда қайддан ўтиш талаб қилинади (яъни диндорларнинг фаолиятларини назорат этишни қулайлаштириш учун – таҳр.), мамлакат қонунлари бировни ўз динига мойил қилиб ўтказишни (прозелитизм) таъқиқлайди (ваҳоланки, ҳар қандай дин ўз тарафига айнан мойил қилмасдан ўтказолмайди, бошқача қилиб айтганда, мусулмонлар ўз динларига даъват қилиб, сафларини кўпайтиришлари таъқиқланади – таҳр.), лицензияси бўлмаган ҳолда диний материалларни чоп қилиш, диний адабиётларни мамлакатга олиб кириш ва тарқатишни маън қилади (яъни, Каримовнинг сарой муллалари тарафидан чиқарилган, мусулмонларнинг бугунги талабларига мутлақо жавоб бермайдиган китобларидан бошқасини ўқиш ҳаром саналади – таҳр.). Диний озчилик вакилларининг аксарияти рўйхатга олиш бўйича қатъий талабларга тўла жавоб бериши қийин. Айрим пайтларда,

АҚШ Давлат департаменти ҳисоботида диний асосдаги тоқатсизлик ўтган йили бутун дунё бўйлаб муҳим муаммолардан бири бўлиб қолгани ҳам урғуланган. Унда Баҳрайн, Ироқ ва Россия ҳукуматларининг диний эркинликлар бўйича амалга оширган ишлари танқид қилинган (Ирокни мусулмонларга нисбаган энг кўп қийноқлари билан танитган – Абу Ғурайб қамқоқхонаси АҚШ армиясига қарашли. АҚШнинг мусулмонларга қарши қийноқлари ҳақида ушбу видео ҳужжатли хабар беради – таҳр.)

Ҳисоботда, албатта одатдагидай, Хитой, Эрон, Ш.Корея ва Саудия Арабистони виждон эркинлиги тамойилини мунтазам равишда бузиб келаётган мамлакатлар қатори саналган. Шунинг ҳам айтиш керакки, АҚШ тарафидан инсон ҳуқуқларига оид бу каби баёнотлар аслида инсон ҳуқуқлари фақат баъзан мана шунақа баёнотларда тилга олинган мавзудан бошқа нарса эмаслигини кўрсатади. АҚШнинг 2010 йил учун чиқарган ҳисоботида ҳам Ўзбекистон “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар” қаторига киритилган эди. Аммо ўтган икки йил мобайнида АҚШнинг Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлиги фақат кучайиб келмоқда.

4 август куни Швеция Қироллиги пойтахти Стокгольмда: мамлакатдаги ўнг экстремистлар гуруҳи сифатида қараладиган “Анти жиҳод” ҳаракати ўзининг Ислом дунёсига қарши қаратган норозилик акциясини ўтказди. Швед ОАВда тарқатилган маълумотларга кўра, Стокгольм вокзали қошидаги майдонда манифест тарзида ўтказилган бу норозилик акциясида 100 нафар ўнг миллатчилар иштирок этишган ва улар полиция кучлари қуршаб олинган.

эканлиги айтилса-да, майдонда турганлар “Афтонбладет” интервью беришаркан, ўзларининг Ислом динига эмас, балки Исломий ташкилотларга қарши эканликларини урғулашди. Акция давомида унинг бир неча иштирокчилари, ҳамда “Анти жиҳод” ғояларига қарши турганлар орасидан баъзи кишилар полиция томонидан ушлангани тўғридан-тўғри трансляция пайтида кузатилган бўлса-да, бироқ улар нима сабабдан ушланганига изоҳ берилмади.

ИНШОЛЛОҲ БУНДАЙ БЎЛМАЙДИ. УНДА ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Бошқа маълумотларда уларнинг сони 200 нафар эканлиги ҳам айтилмоқда.

Швеция ҳудудларида кўплаб мусулмонларнинг яшаётгани боис, улар томонидан манифест иштирокчиларига қутилмаган ҳужум бўлиши эҳтимолидан хавотирланган полиция, манифестчиларни шу усулда ҳимоя қилган бўлди. Шу куни Стокгольмдаги полиция кучларига кўмак бериш учун майдонга Швециянинг Готланд орол вилоятидан, шунингдек Даниядан ҳам полициячилар келтирилди. Ушбу намоийшга қарши бўлган юзларча одам, бу манифестни тўхтатишга уринишди. Баъзи ҳолларда улар билан полиция кучлари орасида тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтди. Кун давомида вокзал яқинидаги бу майдон тўсиб қўйилди.

Намоийшчилар Норвегия, Британия ва Исроил байроқларини кўтариб олиб, Ислом динига ва мусулмонларга қарши хитоблар билан қичқириваркан, уларга жавобан ён атрофда бўлган намоийшга қаршилар “Ирқчилик тўхтатилсин!” деган садолар билан хитоб қилишди. Гуруҳ бошлаб берган бу намоийш тулиғича Ислом динига қарши намоийш

Нацизмга қарши фикр билдираётганлар полиция кордонни ташқарисида туриб, ахлат қутиларини тарақлатиш билан, турли сибизгалар билан, овоз кучайтиргичлар орқали шовқин қилиб, майдон ўртасида турганларга халал бериб боришди. Шунингдек, улар полиция томонга мушаклар ирғитишгани, соат 14:20 да эса полиция хизматчиларидан бирининг юзига намоийшга қарши турганлар томонидан отилган капсула тегиб жароҳатлагани ҳам айтилади вокзал яқинидаги майдондан олиб берилган репортажларда.

Европа мамлакатларида мусулмонларнинг кўпайиб бораётгани боис, Исломга зид баъзи гуруҳлар томонидан ташвишлар изҳор қилинмоқда ва бу ҳол нафақат Европада, балки Ғарб мамлакатларининг аксарида кузатилади. Стокгольмдаги бу митингни мамлакатнинг исломийлашувига қарши бўлган “Британия ҳимоя лигаси”, ҳамда унинг Швециядаги бўлими “Швед ҳимоя лигаси” ташкиллаштирган.

Бўлиб ўтган бу намоийшга қарши тургун гуруҳлар учун ҳам ўз фикрларини айтиш имкониятлари мавжуд эди. Воқеа жойидан

репортаж олиб борган “Афтонбладет” газетасининг билдирганига кўра, улар асосан “Нацизм тўхтатилсин” деган хитоб битилган транспарантларни кўтариб олишганди. Журналистлар митинг иштирокчиларини суҳбатга тортишаркан, улар нима сабабдан Исломга қарши эканликларини очиқ-ойдин тушунтириб бера олишмади ҳам. Митинг қатнашчиларидан бирига берилган саволда Норвег террорчиси Брейвикнинг мусулмон эмаслиги келтириларкан, митинг иштирокчиси Брейвикни “Ал-Қоида билан ҳамкорлик қилган” дея таъкидлайди (!). Мамлакатнинг исломийлашувига қарши бўлган гуруҳ вакиллари келгусида ҳам йилда бир бор бу каби митинг ва намоийшлар ўтказиб боришга қарор берганликларини маълум қилмоқда.

Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида диктатура режимлари ўрнатилгани ҳамда Ғарбдаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар мана шу диктаторлар билан ҳамкорлик қилиб боришлари ортдан, кўплаб мусулмонлар Европа мамлакатларига кўчиб келишмоқда. Бу ҳол яқин келажакда тўхташидан ҳам умид йўқ. Демак, Ғарб яқин орада қатъий қарорга келиши керак: Шарқ мамлакатлари диктаторларини қўллаб-қувватлашни бас қилиш ва у ерларда демократик тартиблар жорий этилиши талабини қўйиши, ёинки ўзларининг демократияларидан воз кечиб, нацизм ғоялари билан яшашга ўтишлари лозим бўлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида йирик бир нацистлар мамлакатининг инсониятга қарши содир этган жиноятлари, ҳамда унинг ҳоли нима билан яқун топгани инсонлар хотирасидан ўчгани йўқ. Дунё икки лагерга, коммунистлар ва коммунист бўлмаганлар лагерларига ажралган эди. Эндликда эса, дунё мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганлар лагерига ажралиб қолганга ўхшайди. Лекин Ислом олами дунё тараққиётидан мутлақ ортда қолиб кетгани ва аксарида Ғарбнинг марҳаматига муҳтож экани нималарга олиб келиши мумкинлигини ҳозирда башорат қилиш ҳам қийин. Бу каби митинглар маълум бир жамиятда ижтимоий онгни шакллантириш учун уюштирилади ва келгусида ҳам бунақа чиқишларнинг давом этиши билан Европа мамлакатлари исломофобик жамиятларга айланиб бориши мумкин. Мусулмонларнинг умидлари фақат Аллоҳдан: “Иншоллоҳ бундай бўлмайди”!

«Эркин юрт» мухбири
Швеция



“ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ”НИНГ 2- ВА 3-ЖИЛДИНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Муборак Рамазон кунларида сайтимизнинг азиз мухлислари учун тўхтамиз – шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ тарафидан тайёрланган “Пайғамбарлар тарихи” китоби ўқувчиларимиз тарафидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Тўпламнинг 1-жилдини сайтимизга юклагач, мухлисларимиз тарафидан кўплаб ижобий фикрлар олдик, бунинг учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Ўтган ҳафта мобайнида тўпламнинг 2- ва 3-жилдини сайтимизга юклагач, Аллоҳ Таоло муборак Рамазон кунларида муслмон биродарларимиз ҳамда муслима опа-сингилларимиз учун ушбу китобларни манфаатли этгай. Китобнинг 1-, 2- ва 3-жилдини ушбу линкдан юклаб олишингиз мумкин:

www.uzxalqharakati.com/kitoblar

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУБУТСИЗ ТАШҚИ СИЁСАТИДА ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ

Яқинда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Ташқи сиёсий конценцияси ҳақидаги Қонунни қабул қилди. Хужжат мамлакат ҳудудида чет эл ҳарбий базалари жойлаштирилмаслигини қайд этади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳарбийлари қўшни давлатлардаги можароларга аралашмаслиги, давлат ўз манфаатларини иқтисодий-сиёсий чоралар орқали ҳимоялаши таъкидланади. Қонунчиларга кўра, Ўзбекистон агрофида хавфсизлик ва барқарорликка асосланган муҳит яратиш бу конценциянинг асосий мақсади. Ўзбекистон президенти томонидан тақдим этилган ва тез суръатда Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган қонун АҚШ республикада яна ҳарбий база очиши мумкин деган тахминларни бартараф этади. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг собиқ ходими, мустақил таҳлилчи Алишер Таксанов дейдики, бу ҳужжат билан ҳукумат хорижий ҳарбий базаларига кескин қарши бўлган томонлар норозилигини юмшатишни мақсад қилган бўлиши мумкин. “Назаримда бу конценция қўшни давлатларни, шу жумладан Россияни Ўзбекистонда АҚШ ҳарбий базаси бўлмаслиги юзасидан тинчлантиришга қаратилган. Лекин биз 20 йил давомида расмий Тошкентнинг ташқи сиёсати ўта ўзгарувчан эканлигини кузатиб келмоқдамиз. Хорижий базалар масаласида ҳам шундай. Эҳтимол у ҳарбий база аталмас. Қирғизистон мисолида буни кузатдик. Аввал ҳарбий база эди, кейинчалик транзит марказига айланди. Бу билан моҳият ўзгаргани йўқ. Расмий Тошкент ҳам бу тажрибадан унумли фойдаланиши мумкин, бунинг учун юридик асослар топилади”, - дейди Таксанов. Ўзбекистон яқинда Коллектив Хавфсизлик Шартномаси Ташкилотини тарк этгани АҚШ ўлкада ҳарбий база очади деган тахминларга туртки берган эди.

Шартномага биноан аъзо давлатлар ўз ҳудудларида хорижий объектларга рухсат бермайди. Бирок бу ташкилот бошида турган Россиянинг ўзида НАТО кўшинларини Афғонистондан чиқарилишига кўмак берувчи база мавжуд - Уляновска. Конценция Ўзбекистоннинг ҳарбий иттифоқларга муносабатини ҳам белгилайди. Унда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга қўшилмаслиги, мамлакат ҳарбийларининг қўшни давлатларда юзага келган зиддиятларни бартараф этишда иштирок этмаслиги кўрсатилади. Ўзбекистон ҳозиргача бирор ҳарбий миссияда иштирок этмаган. Қонундаги бу банд минтақада яшаётган миллионлаб ўзбеклар манфаати юзасидан ҳам баҳсли кўринади. “Конценциядаги бу банд бевосита Қирғизистонда кузатилган этник можаро билан боғлиқ. Ўзбекистон ҳукумати агар истаган тақдирда бу можарони бартараф этиши мумкин эди. Ўзбекистон муҳофаа тизимида БМТ қошида малакадан ўтган конфликтларни бартараф этишга ихтисослашган махсус бўлинма бор эди. Тошкент бу бўлинмани ишга солиши мумкин эди, бирок Ислом Каримов зиддиятни тўхтатишни, одамлар ҳаётини сақлаб қолиш имкониятидан фойдаланишни истамади. Чундай қилинганда, бу минтақада барқарорликни сақлаб қолиш учун қилинган жиддий иш бўларди”, - дейди Алишер Таксанов. Қонунда қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни шак-



ллантириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бир бирга конценцияда минтақада сувдан фойдаланишда Ўзбекистон позицияси ўзгармаслиги, бу масала ташқи кучлар аралашувисиз, фақат регион давлатлари томонидан ечилиши лозимлиги таъкидланади. Ўзбекистон ўз манфаатларини иқтисодий ва сиёсий йўллар билан ҳимоялаши урғуланади. “Агар минтақада барқарорлик ўрнатиш мақсади бўлса, нега конценцияда чегарани миналардан тозалаш, аҳолининг ўтиш-қайтишини осонлаштириш, давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш белгиланмаган? Аксинча, бизда изоляция давом этмоқда. Чегарада отишмалар, доимий зиддиятлар. Конценция эса сув масаласида Тожикистонга нисбатан босимни қонунийлаштириб берувчи ҳужжатга ўхшайди. Ўзбекистон масалани ана шу қонуний ҳужжатдан келиб чиқиб ечишга интилади”, - дейди Таксанов. Ўзбекистонда ташқи сиёсатни белгиловчи бундай ҳужжат анчадан буён кузатилмаган. Ислом Каримов бу борада ўта ўзгарувчан, стратегик кутбларни тез-тез ўзгартириб турадиган лидер сифатида танилган. Навбатдаги ҳужжат буни қанчалик ўзгартиради, буни вақт кўрсатади.

Малик Мансур

Ҳар инсон борки, унинг бугуни бор, ўтмиши ва келажаги бор. Ҳар миллат борки, ҳар мамлакат борки, унинг бугуни, ўтмиши ва келажаги бор. Мамлакат халқдан, халқ инсонлардан ташкил топади. Инсон хотироти гоҳида шундай бир сирли сандикка ҳам айланади ва у сандикни очиш учун ҳеч кимда ҳуқуқ бўлмайди. Ҳар кимнинг фақат ўзигина биладиган сири бўлади, ҳар кимнинг ўз хотироти бўлади.



Тўлқин Қораев

МИЛЛАТ МАРД БЎЛСА, НОМУС БОЗОРДА СОТИЛМАЙДИ

Баъзи воқеъликлар бўладики, кўпчилик учун сарик чақачалик кадр ийўк, аммо кимдир уни бутун умр унутмайди. Шундай хотира ҳар инсонда бор. Ҳеч қачон ёдингиздан чикмайдиган яхшилик, ёки ёмонлик.

Талабалик йилларим эди. Гоҳида Тошкентдан Қаршига поездда қайтардим. Албатта бу каби уйга қайтишлар семестр якунидан сўнг, ёки бирор байрам арафасида содир бўларди. Тошкент – Китоб йўналиши бўйича ҳаракатланадиган поезднинг плацкарт вагонларидан бирига билет олгандим. Поездда одам тирбанд бўлиб, асосий йўловчиларни талабалар ташкил этаётганди. Вагонда менинг курсдошларим ҳам бор эди. Қаршилик, менинг курсдошларимдан бўлган бўлган кўҳлигина бир қиз ҳам ёнимиздаги ўринлардан бирига жойлашганди. Аммо у Самарқандга бораётган экан. Табиий, курсдошлар суҳбатида енимиздаги йўлдошлар ҳам кўшилишиди. Поезд тунда юраркан, йўлнинг асосий қисми уйқуда ўтади ва тонга яқин, Самарқандда ҳалиги мен билан курсдош бўлган қиз тушиб қолди.

Тонгда эса қашқадарёликлар суҳбатни давом эттирардик, йўлдошларимдан бири гап қотди: “Сиз ёш йигитсиз, кўп нарсани билмайсиз ука. Бу курсдошингиз эрга тегмаган қиз бўлсаям, бир туғгани бордай. Ёки аборт қилдирганми, жуда қаттиқ қийналган. Кўзининг тагидаги доғга аҳамият бердим”. Шу топда бошқа бир ҳамсафарим суҳбатга қўшиларкан, уни уруша кетди.

“Нималар деяпсиз ўзи? Тушуна-япсизми нима қилаётганингизни? Қиз боланинг бахти бир марта очилади. Қаердан билиб ўтирибдсиз, мумкин бу йигит ўша қизни ёқтирар, балки бирор дўсти бу қизни оламан деб юргандир. Уйламай бировнинг қизининг бахтини боғлайверасизми?” – ростмана ўшиқира бошлади у. Бу хижолатомсиз аҳволдан изза бўлган суҳбатдошим менга узр келтирди, гўёки у менинг олдимда айбдор бўлгандек. Бу курсдошим бўлган қизни Қарши шаҳрида ҳам кўп учратардим.

Қашқадарё вилоятидан бўлган

курсдошларимиздан бирига турмушга чиқганди. Улар бахтли-тахтли ҳаёт кечиришар, аммо орада фарзанд йўқ эди. Кўп йиллар илгари оғзининг қопқоғи бўлмаган поезддаги суҳбатдошимиз афтидан адашмаганди. Ҳар ким ўз ҳаётини ўзи куради! Йигирма йилдан отрдик, ватанимиз бўлган Ўзбекистон мустақил бир юрт ва унинг ўз йўли бор. Ҳар неки, ҳақиқатнинг кўзига тик қараб айтиладиган бўлсак, илдо қилинаётган “Ўзбекистоннинг ўз йўли” аслида ҳукмдоримиз бўлган Исло Каримовнинг танлаган йўлидир. Ул зотнинг узокни кўзлаб олиб бораётган “оқил ва доно” сиёсати сабаб, мамлакат ва унинг халқи қай кунга тушганини кўриб турибмиз. Чунончи, биз ҳам мана шу жафоқаш халқнинг бир бўлагимиз. Унинг ори ва унинг номусимиз, агарда мана шу халқимизда ор-номус қолган бўлса албатта!

Озодлик радиоси ўз эшиттиришларидан бирини ўзбекона одобни унутган Ўзбекистонга бағишлабди <http://www.ozodlik.org/content/article/24664837.html> ва бунда кўтарилаётган масала эса кўпроқ ўзбек журналистларининг ойна жаҳонда содир этаётган жиноятларини фош этишга қаратилган. Ҳа, Ўзбекистонда эркин бўлмаган оммавий ахборот воситалари ҳукуматнинг пропаганда куралига айланган ва мамлакатдаги бу рамзий тўртинчи ҳокимият ҳам худди суд ва қонун ҳокимияти ҳокимиятлар каби ижроия ҳокимиятига бўйинсунади.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидаёқ унинг боқий (?) президенти Исло Каримов август ойига бурганида ҳаммаси “во” бўлишини, мамлакатнинг келажаги буюк бўлишини даъво қилганди. “Во” ҳам бўлмади ва йигирма йилдирки, буюк келажақ ҳам келмади. Ўзбекистон халқининг салкам саккиз миллиони Россияда ва яна неча миллион ўзбек дунёнинг турли бурчакларида. Ким мардикор, ким фоҳиша, кимдир қул сотган, кимдир қул олган ва ҳақозо, ҳақозо иллатларга қоришиб миллат яшаб қолаяди.

Озодлик радиоси лавҳасида

Ўзбекистон телевидениясининг “Нигоҳ” дастури намойиш этган бир ҳужжатлик фильм ҳақида гап боради ва айна “Нигоҳ” дастури намойиш этган кўрсатувда эса Тошкентда фоҳишалик қилиб юрган ўзбек қизларининг шахсини аниқ кўрсатиб, улар маломат қилинади

Гўёки журналистларимиз сўзларида ҳақ, гўёки ҳукуматимиз элпарвар. Гўёки бизнинг бу фильмини тайёрлаган хабарнигорларимиз эл орасига кириб тугунча талаб қилишмайди, гўёки ҳукуматдорларимиз порахўрлик кўчасидан ўтмаган фариштан бегуноҳлар.

Фильмни томошо қилган ҳар қандай одам руҳиятида фоҳишалик каби иллатга қарши бир туғён уради, аммо калаванинг учи аслида ўша ўзимиз билган “оқил ва доно” президентимизга бориб тақалади. Хўш, нега энди айнан ўшанга? Жавоб оддий. Мамлакатда унинг томонидан ўрнатилинган яқка ҳокимлик сабаб, ҳар қандай ғалаба, ютуқ борми, ёки аксинча, парокандалик ва мағлубиятми – буларнинг ҳаммаси учун яқка ҳукмрон бўлган Исло Каримов Каримов масъулдир!

Филмдаги аниқликни қарангки, режисер унда иштирок этаётган тезкор гуруҳ хизматчиларининг юзини, улар ҳаракатланаётган автуловларнинг давлат рақамларини ретуш қилиб яширади. Аслида эса аксинча бўлиши керак. Ночорликдан фоҳишалик кўчасига кириб қолган ўша мазлума аёлларнинг шахси, уларнинг чехралари яширилиши лозим эди. Хўш, энди у аёллар қандай қилиб Ўзбекистонда яшайдилар? Уларни бирор ташкилот ишга оладими, ёки йўқ? Маҳаллада элга қўшилиш имконлари қолдимикан? Ҳаммаси чил парчин бўлди ва келажақда бу аёлларнинг видофильмдан тўғри хулоса чиқариб тўғри йўлга тушиб олмаганликлари ҳақида ҳам бирор фильм яратилар. Ахир уларга тўғри йўлга чиқиб олиш учун имкон қолдирилмаганку аслида. Бунинг номини эса қош қўяман деб кўз чиқариш дейдилар.

Демократик дунёда шахс ҳуқуқлари ҳар қандай қонулардан ва қоидалардан, керак бўлса ҳукуматнинг ўзидан ҳам устун туради. Чунки халқ давлатнинг асоси саналади. Ўзбек аёлларининг нафақат Ўзбекистонда, ҳаттоки бошқа мамлакатларда ҳам фоҳишалик қилаётганлари учун айбни айнан Исло Каримов режимининг ўзидан излаш лозим бўлади.

Мустақилликнинг ўтган йигирма йили давомида миллат ўзлигидан айрилди. Оддийгина кўрқоқ ва ўз тақдири билан ҳам қизикмайдиган бир онгсиз оломонга айланди.

(Давоми кейинги бетда)

МИЛЛАТ МАРД БЎЛСА, НОМУС БОЗОРДА СОТИЛМАЙДИ

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бунда албатта диний уламолар ҳам бор, динсизлар ҳам бор. Динга ва миллий кадриятларга қарши курашадиганлар ҳам бор.

Бирок, кузатиб турганимиздек, Исло Каримов режимидан ҳамма норози бўлгани ҳолда, унга қарши курашадиганлар бармоқ билан санарлик даражада оз бўлиб қоляпти.

Қизиқ, негадир халқнинг боши бир мақсадда бирикмайди. Уламоларимиз ўзларининг четга олишади: динсизлар учун курашмаймиз! Худосизларимиз ўзларини четга олишади: анавулар ваҳобийлар ва улар учун курашмаймиз! Ҳукуматдагилар эса Исло Каримовнинг чизган чизигидан чиқа олмайди ва кимки президент ҳазратларини танқид қилса унга қарши туриб берадилар.

Албатта бу ҳозирча. Қачонки диктатор ҳокимиятдан кулатилинса, кейин улар ҳам Исло Каримовга қарши туришларига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Эл бир бирига бепарво экан, миллат бошига тушган мардикорлик ва фоҳишаллик каби жирканч иллатнинг ечимини ўзбеклар ўзларидан ҳам

излаб кўришлари лозим бўлади.

Масалан, Швеция Қироллиги ҳудудларида бирорта бўлсин фоҳишахона йўқ ва табиийки ўзбек фоҳишалари бу ерларга жуда бўлмаса ўзларини сотиб пул қилиш мақсадида кела олишмайди. Швеция Қироллигида иш билан таъминламаганлар учун ижтимоий ёрдам ажратилинади ва тагин фоҳиша бозори очиб олишга рухсат этилмайди. Кимдир кимнидир вақтинчалик фойдаланиш учун сотиб оларкан, бунда аёл эмас, эркак жавобгар қилинади. Аёлнинг пулга муҳтож бўлганлиги ҳисобга олинади ва айни мана шу тартиб фахш бозорининг пайдо бўлишига ҳам тўсқинлик қилиб келмоқда.

Ҳар бир ижтимоий қатлам учун алоҳида масъул шахслар, лозим бўлганида эса ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатишади. Швед оммавий ахборот воситаларида бирор шахснинг исми унинг розилигисиз эълон этилмаслиги ҳам шахс ҳуқуқларининг ҳар қандай манфаатдан устун эканлигини кўрсатади.

Нега энди Ўзбекистонда шундоқ ҳам хўрланиб фахш бозорига чиқишга

мажбур бўлган аёлнинг исми ва шахси ошқор этиляпти ва бунда биров манфаатдор бўлмаса ҳам керак! Аслида, бу аёлларнинг шахси кўрсатилмаслигидан биринчи навбатда давлат манфаатдор эди. Ҳукуматимиз нима қилаётганини ўзи ҳам билмай қолган шекилли.

Ўзбекистондаги таранг вазият бир куни келиб портлайди албатта. Инсон ҳақларининг бузилиши, лозим бўлганида инсон кадрининг оёқ ости қилиниши – бу каби жиноятларни содир қилганлар жавоб берадилар албатта. Ҳозирча эса режимнинг ошиғи олчи! Нега деганда, халқимиз режимга қарши бирлаша олмайдиган тарқоқ бир элатга айланган. Худди режим каби, халқимиз ҳам моддий манфаатлар узидан қуваяпти. Агар ўзбекларимиз мард бўлганларида унинг қизлари фахш бозорининг молига айланмаган бўларди. Агар ўзбекларимиз мард бўлганларида бир бирларини ғийбат қилиб яшамаган бўлишарди. Ва асосийси, агар ўзбекларимиз мард бўлганларида шу ўтган йигирма йил давомида халқнинг торган жабру жафоси сабаб, йигитларимиз қасоскорларга айланиб ҳукуматдан элнинг қасдини олиб бераётган бўларди. Миллат мард бўлмаса ор-номус ҳам пул бўлади.



"DAIMLER" ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАВОД ОЧИШДАН БОШ ТОРТДИ

Германиянинг "Daimler AG" ширкати Ўзбекистонда Mercedes-Benz автобуслари ишлаб чиқарувчи кўшма корхона очиш режасидан воз кечганини билдирди.

Ширкат техник ва иқтисодий имкониятларни қайта чама-лаб чиқиб, "ҳозирги иқтисодий шароитнинг мураккаблиги" боис "Ўзавтосаноат" билан бирга шундай қарорга келганини айтмоқда.

"Daimler AG" Тошкентдаги касодга учраган Чкалов авиация бирлашмаси негизда автобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаётган ва 2010 йилда бу борада Ўзбекистон томони билан келишувга эришган эди.

Дастлабки режага мувофиқ "Daimler AG" "Ўзавтосаноат"

шикарти билан ҳамкорликда минтақа бозори учун йилига 600 дона 12 метрли шахар автобуслари йўғадиган "Mercedes-Benz Uzavtosanoat" кўшма корхонасини очиши ва уни ўтган йил кузида ишга тушириши керак эди.

"Daimler AG" ширкати Ўзбекистондаги бозор имконларини қайта ўрганиб чиқиб, бу

ширкат 18.9 миллион долларга яна юзта автобус харид қилишни режалаган.

Ўзбекистон билан автобуслар савдоси бўйича ҳамкорлигимиз давом этапти. Агар келажакда иқтисодий таҳлиллар кўнгилдагидек бўлса, балки завод очиш масаласи яна кўтарилиши мумкин, – деди "Daimler AG" ширкатининг Штутгартдаги бош идораси Жамоатчилик билан алоқалар бўйича раҳбари Ута Лейтнер.

Икки йил аввал АҚШ Адлия вазирлиги "Daimler AG"ни йирик давлат шартномаларини қўлга киритиш мақсадида, 22 мамлакат, жумладан Ўзбекистон расмийларига ҳаммаси бўлиб, 56 миллион доллар миқдорда пора беришда айблаган эди.

Daimler йирик шартномаларни қўлга киритиш учун 22 давлат жумладан Ўзбекистон ва Туркменистон расмийларига совға-саломлар ҳам улашган.

1998 – 2008 йиллар оралиғида берилган бу пораларнинг бир қисми АҚШда жойлашган ширкатлар орқали берилган.

Daimler AG" ширкати вакили Ўзбекистонда завод очиш режасидан воз кечилишининг асосий сабаби эса иқтисодий шароит мураккаблиги, эканини айтди.

Daimler раҳбари ўшанда "олинган тажрибадан тегишли сабоқ чиқардик," деб айтган.

режадан воз кечганини айтди:

- Бозор таҳлили ҳозир иқтисодий шароит мураккаблигини кўрсатмоқда. "Ўзавтосаноат" билан биргаликда вазиятни ўрганиб, ҳозир завод очишнинг мавруди эмас, деган хулосага келинди, деди Озодлик муҳбири билан суҳбатда бош қароргоҳида Штутгартда жойлашган "Daimler AG" ширкатининг Жамоатчилик билан алоқалар бўйича раҳбари Ута Лейтнер.

Бугунги кунда Mercedes-Benz автобуслари Тошкент жамоатчилик транспорт тармоғининг асосий қисмини ташкил этади.

"Тошшаҳартрансхизмат" ширкатига кўра, Ўзбекистон пойтахтида ҳозир мингта Mercedes-Benz автобуси йўловчиларга хизмат қилмоқда. Келажакда

Докторлик тажрибамдан мана шу ҳодиса яхши ёдимда қолган. Шифохона қабулхонасига келган хасталарни аввал ёш врачлар кўрарди. Улар лозим бўлса тажрибали докторларни чақириб, хастанинг аҳволи ҳақида маслаҳатлашишарди. Бир куни мени қабулхонага чақирди. Ёш ҳамкасбим “Бир кўр касал келган шунинг бир текшириб кўрсангиз”, деди...

Ичкаридаги кўзи ожиз бемор бу тажрибасиз врачнинг сўзини эшитиб қолди. Турган жойида сакраб туриб, “ким мени кўр деди, ҳайвон сенинг ўзинг кўрсан...”

Шу шаклда бу кўзи ожиз одам ёш врачни жуда ёмон сўзлар билан сўкиб кетди. “Қори ака, илтимос қори ака, бу киши билмай айтиб юбордилар, мен ўзим сизни яхшилаб текшириб кўраман”, дея қайта қайта узр сўраб, бир илож қилиб, беморни тинчлантиришга муваффақ бўлган эдим... Бугун ўзим шунча йиллик тажрибадан кейин, онгли равишда бир инсонга кўр инсон, демоқчиман. Бу инсон мана шу сатрларнинг муаллифидир:

*Нақ кўйиб берсаю Абутов ҳузур қилиб,
Роса калтакласа мени ётқизиб.*

*Тилларимни кесса хотиржам, қулиб
Қувонса оғзимдан қон чиқса сизиб...*

Бу сатрлардаги манзара диктатор Каримовнинг жаллодларига ярашадиган манзарадир. Аммо бу сатрларни бир мусулмон ҳақида, агарда бу мусулмон хатокор ва гуноҳкор бўлса ҳам, асло айтиб бўлмайдими. Чунки мусулмон киши Исломи динининг тамсилчиси, вакилидир. Яъни, мусулмон киши тинчликни, адолатни, яхшиликни тамсил қилади, ваҳшийликни эмас...

Бу сатрларни пешонасидаги кўзлари чарақлаб турадиган, аммо қалб кўзи кўрмайдиган журналист Исмат Хушев ёзган ва бу сатрларни у нимага ёзганлиги энди менга аён бўлаётганга ўхшайди. Менинг бу сатрларни ўқишдан олдин Хушев ҳақидаги фикрим унинг аросатда қолганлиги, бошқа сўз билан айтганда жоҳилиятни тарк этмаган “ижодкор” эканлиги эди. Бўлиши мумкин, чунки аросатда ва жаҳолатда қолган фақат у эмаску! Бир пайтлар ўзим ҳам ҳақ ва ботилни ажрата олмас эдим, ҳақни ботил, ботилни эса ҳақ, деб билар эдим. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳ хидоят берди, аросатни, жаҳолатни тарк этдим, ҳақ йўлни ўргандим, ўрганаяпман, ўрганганим даражада амал қилишга ва бошқаларни ҳам ҳақ тарафда туришга чақираяпман...

Исмаат Хушеви ҳам очиқ хат билан, емаил билан такрор ва такрор

аросатни, ботилни, жоҳилиятни тарк этишга даъват қилганман. У аросатдадир, жаҳолатдадир, ботил йўлдадир, чунки Хушев диктатор Каримовнинг ҳам, биз муҳолифатчиларнинг ҳам тўғри йўлда эканлигимизга ишонади. Диктатор Каримовни ўзига устоз деб билади, аммо Прагадаги қурултойда қулоғимга энгашиб, сизлар ҳақ йўлдасизлар, бутун умидимиз сизлардан, дейди. Майли дедим, Намоз

Хушев эса қурултойга келди, у ерда ўзи истаган эркинликларни кўрди, истаган гапини айтди, истаган қилиғини қилди. Бу маънода ҳаракатимиз унинг учун бир ойна бўлди. Энди мана шу ойнада унинг борлиги янада очиқ ойдин, янада даҳшатлироқ кўриниб бормоқда. Яхши бўлди менимча ва унга ҳам, бошқаларга ҳам дарс бўлди аслида бу иш... Албатта, Мухаммадсолиҳ Абутов ҳам фаришта

ТИМИРСКИЛАНАЁТГАН ОДАМ...



“(Сизга қарши чиққанлар) ер юзиде саёҳат қилмайди-ларми? Ер юзиде саёҳат қилсаларди, уларнинг кўрадиган кўзлари, эшитадиган қулоқлари бўларди? Ҳақиқат шундан иборатки, кўзлар кўр бўлмайди. Кўкрак ичидаги қалблар кўр бўлади”

(Ҳаж: 46 оят)

эмас, у ҳам хатоли ва камчиликлари бор йигит. Аини пайтда фидокор, талабчан, зулмга қарши бутун борлиги билан қурашадиган, адолат дейилганда юзи яшнаб кетадиган мусулмон биродаримиз. Саҳвий

ўзинг ҳам бир пайтлар оку қорани танмас эдинг, мана Исмаат Хушев эътироф қилаяпти, яқинда сафларингизга қўшиламан, оилам менга шу одамлар билан (муҳолифатчилар) билан бўлинг, деяпти, дейди, иншаллоҳ эрта эндин бу киши тўла тўқис Ҳақ йўлни танлар... Исмаат Хушевнинг юқорида Абутов ҳақидаги “шеърини” ўқиганга қадар у ҳақда шундай фикрда эдим. Аммо таассуфки, бу одам ҳақида хато қилганга ўхшайман. Чунки бу мисрлар оддий жоҳилнинг эмас, оддий аросатда қолган одамнинг эмас, биз танлаган йўлга душман қайфиятида бўлган, биз ҳақимизда юраги нафратга тўлган бир “ижодкорнинг” ижодига ўхшайди... Исмаат Хушев ЎХХнинг баъзи фаолларини мақтаб, баъзилари ҳақида ер билан яқсон қилишга қаратилган “шеърлар” битиш билан нимага эришмоқчи? У бир коса асалга бир қошиқ захар қўшиш билан қандай “малҳам” тайёрламоқчи? Балки унга устозининг одамлари шундай вазифа бериб туришгандир? Балки унинг ўзи эски мансабларига қайтиш учун шундай “илҳомланаётгандир”? Буни тушуниш қийин эмас, чунки у ўйлаган тузук бизга янгилик эмас. ЎХХга кириб, кейин уни тарк этганлардан баъзилар мана шу йўл билан ҳаракатимизни обрўсизлантиришмоқчи бўлишди. Аммо охир оқибатда ўзлари обрўларини йўқотдилар ва йўқотмоқдалар. Исмаат Хушевнинг ЎХХнинг Прагадаги қурултойига таклиф қилинишига ҳаракатимиз аъзолари турли муносабатда бўлишди. Чунки унинг икки қайикка ёпишгани, бу эса ақли кишилар қиладиган иш эмаслиги ўз ўзидан тушунарли эди. Аммо мен унинг қурултойга келишига қарши эмас эдим. Бугун ҳам, ҳатто укамиз Абутов ҳақида мана шундай жирканч сатрларни ёзгандан кейин ҳам, бу масалада афусланаётганим йўқ. Чунки ҳаракатимизнинг Ҳақ йўлда эканлигига ҳеч қандай шубҳам йўқ эди ва ҳозирда ҳам шубҳам йўқ.

тахаллуси билан ёзган шеърлари таъбининг нозиклигига далил ҳамдир. М. Абутов биздан, яъни ЎХХдан бир “мендир”. У гуноҳи ва савоби билан бизнинг укамиз, биродаримиздир. Яхши ва ёмон кунда биз билган бирга юраётган, бутун қийинчиликларга қарамай, ярим йўлда бизни ташлаб кетмаган дўстимиздир. ЎХХни радикал, қонхўр, террорист ташкилот қилиб кўрсатишга уринаётган аввало Исмаат Хушевнинг устози диктатор Каримовдир. Қолбуки ЎХХ халқимизнинг миллий, эътиқодий ва дунё тараққиётининг фикр эркинлиги, эркин сайловлар ва шунга ўхшаш мусбат жиҳатларини ўзига восита қилиб олган ҳаракатдир. Ўзбек халқига ва унинг ҳақиқий тамсилчиси бўлган ЎХХга қарши террорист ва қонхўр сиёсатни амалга ошираётган диктатор Каримовнинг режими-дир. Аммо қалб кўзи ожиз бўлган ва шунинг учун ҳам ҳозирча иши тимирскилинишдан иборат бўлаётган Исмаат Хушевнинг бу ҳақиқатни тўлиқ тушуниб олиши имконсиздир. Шунинг учун ҳам у бу золим режимга тўлақонли муҳолиф бўла олмаяпти. Исмаат Хушевнинг юқорида келтирилган “шеъри” Абутовга нисбатан эмас, унинг бизнинг ҳаракатимизга нисбатан билдирган муносабатидир. Чунки биз жуда кўп “мен”лардан ташкил топган жамоамиз. Бу менлардан бирига айтилган бундай гап бизнинг ҳаммамиз ҳақида айтилгандир. Чунки биз бир бармоқнинг эти ва тирноғи каби бир биримизга яқинмиз. Эт бўлганларнинг баъзан семириб, баъзан ориқлаши, тирноқ бўлганларимизнинг баъзан ўсиши ва баъзан қисқариши муҳим эмас. Муҳими бизнинг бу шаклда бармоқларни ва бир муштни ташкил қилишимиздир. Шўқрик, бу муштнинг ичида Исмаат Хушев каби аросатда ва жаҳолатда қолганларга ер йўқдир...

Намоз Нормўмин

МТС АБОНЕНТЛАРИ АЛАМЛАРНИ КУЛГУ БИЛАН ЕНГМОҚДАЛАР



“МТС Ўзбекистон” компаниясининг ғалати бир шошқалоқлик ва кимнингдир англаб бўлмас макорлиги билан “хизмат доирасидан ташқарига” улоқтирилиши, шу компаниянинг 10 миллионга яқин абонентларини енгил шок ҳолатига туширди. Енгил дедик. Зеро, бугун Ўзбекистонда Билайн, Перфектум, Узмобайл каби бошқа алоқа компаниялари ҳам борки, МТСдан ноқонуний қувилган абонентлар бутунлай алоқасиз қолишаётгани йўқ. Лекин барибир, ҳе йўқ бе йўқ, бутун бошли бир алоқа компанияси бир кунда ёпиб ташланиши фактининг ўзи, диктаторнинг биргина имоси билан Ўзбекистондаги ҳар қандай ташкилот ёки шахс бир лаҳзада “қонуний доирадан ташқарида” бўлиб қолишини яна бир бор исботлади. Бу жуда ҳам хавфли тенденция... Шундай қилиб, “МТС Ўзбекистон” 10 кунлик танаффусдан кейин ҳам ишламади. Бу албатда кутилган эди. Шунинг учун ҳам, компаниядан “10 кунлик танаффус” ҳақида СМС олган абонентлар, бу ғайриоддий ёпилиш ортида турган “можаро”лардан келаётган “қуйган латта” ҳидини сезишди ва дарҳол бошқа алоқа компаниясига уланиб олишди. Интернетдаги ўзбекча форумларда МТСга мотам тутаётган кўплаб абонентлар билан мулоқотга кириб, бир нарсага амин бўлдим: МТСда интернет алоқаси яхши бўлган экан. “Айниқса, МТС Турбога гап йўқ! Сайтларга дарров

кириб бораман” дейди Умид исмли Тошкентлик йигит. “5 йилдан бери МТСдаман. Жуда қулай, интернетни ҳам, связи ҳам. Юселнинг интернетни арзон дейишган эди, 2 кун ишлатдим... Вай... скорость ноль! Интернетга киргунча ичларим қизиб кетди! 2 кун тутдим. Кейин... хайрлашдим” дейди Самарқандлик Нозим.

Бошқаларнинг ҳам фикри шу: МТСда интернет хизмати яхши бўлган. Ва менимча, диктатор Каримов ҳукуматини айнан мана шу жиҳат кўрkitган бўлиши мумкин.

Табиатан кўрқоқ бўлган диктаторлар инфомациянинг эмин-эркин тарқашини ортида, ўзлари учун ўлим сиртмоғини ёки ҳеч бўлмаганда, ўз халқининг гурзи каби муштини кўришади. Ва ҳар қандай йўллар билан ўзлари эгалик қилаётган ҳудудни ихоталайдилар. Бироқ, замонавий технологиялар чегара ва ихоталарни тан олмайди, улар турли йўллар билан ҳар қандай “сейф-мамлакат” ичига бемалол кириб бора олади. Қолаверса, “Дунё тўрига” илиниб, унинг мазасини бир марта тоғиб кўрган авлод, яна шу тўрига илиниш учун ҳаракат қилади. Шундай қилиб, МТС-Ўзбекистон алоқа компаниясининг ёпилиши (энди “ёпилиш” сўзини бемалол ишлатиш мумкин, менимча) ортидан аввалига шошиб қолган абонентлар, бошқа алоқа компанияларига ўтишяпти. Бўш пайтларида улар ўзларининг севимли МТСларини эслаб, “Уяли алоқа ҳақидаги

фольклор”ни бойитиш билан бандлар. Абонентлардан бирини, собиқ МТС алоқа компаниясининг мажбурий-ихтиёрий инквизиция анчагина куйдирган шекилли, у ўз фикрларини ўзбек мақолларининг янги талқинига солиб, интернет тармоғига киритиб қўйибди. Мана ўша мақолларнинг янги талқини билан сиз ҳам танишинг:

1. Пайнетдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик.
2. МТС остонадан бошланар!
3. Ўғил болага 40 SIM-карта ҳам оз.
4. Янги телефон олмасдан, эскисини сотма.
5. Ўғил боланинг контактлари 40 туюга юк бўлур.
6. Жўнатилган СМС – отилган ўқ.
7. Ўз компаниянг – ўлан тўшагинг.
8. УзМобайлда VIP бўлгунча, МТСда қарздор бўл.
9. Абонентнинг юзургани – Пайнетгача.
10. Контактли дўст айтилмас.
11. Элдан чиқсанг ҳам, хизмат доирасидан чиқма.
12. Телефон бор, телефонлар нақшидир, телефон бор, пейжер ундан яхшидир.
13. МТСдан айрилганни Юсел ер, бўлинганни Билайн ер.
14. Онасининг телефониға қараб, қизини ол.
15. Яхши телефон маҳалладан чиқмас.
16. УзМобайлга қанча берма тарбия, Юсел бўлур, Билайн бўлур, асло бўлмас МТС!
17. Бор СМС, кел СМС, бормасанг, келмасанг, телефонда қол СМС!
18. Бир абонентга етти компания ота-она.

“МТС Ўзбекистон” алоқа компанияси абонентлари ҳозиргача ўз телефонлари ишлаб кетишидан умидворлар. Ҳаттоки уларнинг баъзилари “Тошкентдаги МТС дилерлик пунктлари 28 июль куни очилибди” деб хабар беришди. Лекин бу хабар ҳозирча тасдиқлангани йўқ.

Улуғбек Ҳайдаров

ЭЛЧИХОНА ЯҚИНИДАГИ БОМБА АҚШНИКИ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Кеча, 31 июль куни Ослодаги АҚШ элчихонаси олдида тўхтаган бир машинада бомба борлиги аниқланганидан кейин, зудлик билан элчихона жойлашган жойдан 500 метр радиусдаги барча бинодаги одамлар эвакуация қилиниб, ҳудуд полиция кучлари томонидан ўраб олинди ва ҳатто элчихонадан 1 километрча узатқликда жойлашган “Национал театр” метро бекати бекитилди. Шу билан бирга, кўплаб тез ёрдам ва ўт ўчириш машиналари келтирилиб, шай ҳолда тутиб турилди. Бир пайтнинг ўзиде элчихона устида вертолетлар чарх ура бошлади. Орадан ярим

соатлар ўтиб, бутун бу тўполонлар авжига чиққан бир пайтда, АҚШ элчихонаси масъуллари телефон орқали полиция билан боғланиб, англашилмовчилик бўлгани, элчихона олдидаги машина элчихонага қарашли экани ва машина тагига жойлаштирилган бомбанинг эса, ҳақиқий эмас, балки, машқ учун қўлланиладиган бомба эканлиги ҳақда хабар бериб, полициядан безовта қилганликлари учун узр сўралгани ҳақда билдирилди. Осло шаҳар мэри Стиан Бергер Росланд эса, энди, бу тўполонлар туфайли юзага келган ҳаражатлар ва оворагарчиликлар учун АҚШ элчихо-

насидан компенсация, бадал тўлашни талаб қилажаги ҳақда хабар тарқатди. osloby.no

Норвег тилидан
Мақсуд Бекжон таржимаси



МИЛЛАТДОШЛАРИМГА РАМАЗОН МУРОЖААТИМ

Ассалому алайкум миллатдошларим.

1. Авваламбор сиз билан бизни муборак Рамазон ойига рўза тутиш даражасида соғ-саломат етказганига Аллоҳга минг қатла шукурлар бўлсин.
2. Қадрдон Ватанимиз Ўзбекистонда диктаторлик режими минг-минглаб намозхон биродарларимиз, опа-сингилларимиз ноҳақ, тухмат билан қамаб, кўп йиллардан бери азоб бермоқда. Уларнинг бегуноҳ фарзандлари ота, баъзан эса она меҳридан маҳрум бўлган ҳолда вояга етмоқда.
3. АҚШ Давлат департаменти 2012 йил 30 июл куни эълон қилган янги ҳисоботида “Ўзбекистон хавфсизлик баҳонасида диний эркинликларни бўғаетгани”, Ўзбекистон “алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар” қаторига киритилгани таъкидланган (<http://www.ozodlik.org/content/article/24661815.html>)
4. Маълумки, муборак Рамазон ойининг 27-кечада Қуръони карим нозил этила бошланган. Шу сабабли дунёдаги барча 1,5 миллиарддан ортиқ мусулмонлар Рамазоннинг 27-гуни, яъни 14 дан 15 августга ўтар кечаси Лайлатул Қадр кечаси сифатида нишонлашади.
5. Таклифим: 2012 йил 13 ёки 14 август куни кўпгина давлатлардаги Ўзбекистон элчихонаси олдида пикет ўтказишни уюштирайлик. Пикетдаги асосий талаблардан бири – Ўзбекистондаги намозхон биродарларимизни таъқиб-таъйиқ қилиш тўхтатилин, камокхоналардаги биродарларимиз озод қилинсин. Уларга нисбатан ҳам амнистия қарори қўллаш йўли билан озод этилиши мумкин ва керак.
6. Кўпчилик мамлакатларда митинг ва намойишлар ўтказиш учун ҳокимиятдан олдиндан ёзма рухсат талаб этилади. Пикет ўтказиш учун эса бундай рухсат талаб этилмайди. Шу сабабли мен пикет ўтказишни таклиф қилмоқдаман. Иккинчидан, пикетни ҳатто бир киши ҳам ўтказайвериши мумкин. Бу худди намоз ўқиган каби: бир киши бўлиб ҳам, кўп киши бўлиб ҳам намоз ўқишимиз, пикет қилишимиз мумкин.
7. АҚШда яшаётган 300 мингдан ортиқ ўзбекларга мурожаатим. Мен 2012 йил 1 апрелдан бери Вашингтон шаҳрида яшайман. Вашингтондаги Ўзбекистон элчихонаси манзили: Вашингтон шаҳри, Масачусеттс шоҳкўчаси, Шимоли ғарб мавзеси, 1746-уй (Embassy of Uzbekistan 1746 Massachusetts Avenue, N.W., Washington, D.C. 20036-1903). Ушбу элчихона олдида пикет ўтказиш билан боғлиқ барча саволларни электрон почталаримга: jiz54@mail.ru, tohir1953@mail.ru, shus5454@safe-mail.net, ergash1955@yahoo.com ёзишлари ёки 1-202-341-4028 рақамли телефонимга кўнғироқ қилишлари мумкин.



- Менинг электрон почталарим ва телефоним махсус хизматлар назорат қилаётганлиги сабабли улар бевосита боғланишга имконият бермасликлари мумкин. Шундай вазиятда ушбу Мурожаатномам остида постинг ёзувини қолдирсангиз ва сиз билан алоқа боғлашим учун электрон почтангиз ёки телефон рақамингизни ёзиб қолдиришингизни сўрайман.
8. Намозхон, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Талиб Ёқубовга илтимосим бор. Ўзбекистонда қамоқда ноҳақ жабр кўраётган 28 нафар инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари, журналистлар, муҳолиф сиёсий партиялар фаоллари ва ислом дини олими, имом Рухиддин Фахруддинов ҳақидаги асосий маълумотлар ёзилган жадвалнингиз бор эди.
 - Мен ўша жадвалнингизни 2010 йил 18 июн (шанба) куни Бойси шаҳар марказида Халқаро Қочқинлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда 10 стенддан 2тасида намойиш қилгандим.
 - Бу фаоллар исми-шарифини стендда ёзилган кетма-кетликда келтириб ўтаман: Норбой Холжигитов (1950), Юсуф Жума (1958.19.1), Ҳабибулла Ақпулатов (1950), Рашид Бекжанов (1959), Муҳаммадjon Бегжанов (1954), Исроилжон Холдоров (1951), Азам Фармонов (1978), Абдурашул Худойназаров (1956), Алишер Караматов (1968), Насим Исаков (1966), Мурод Жўраев (1952), Ҳазрат Аҳмедов (1940), Жамшид Каримов (1967), Мамадали Махмудов (1940), Самандар Қуқонов (1945), Исоқ Абдуллаев (1935), Солижон Абдурахмонов (1950), Азам Турғунов (1952), Юсуфжон Рўзимуродов (1958), Ғайрат Меҳлибоев (19), Машраб Жумаев (19), Рухиддин Фахруддинов (1967.8.8), Жамол Қутлиев (19), Зафар Рахимов (19), Юлдош Расулев (19), Дилмурод Саидов (1962), Мамадали Қорабоев (19), Фарходхон Мухторов (1968).
 - Ўтган икки йил давомида рўйхатдагилардан Норбой Холжигитов, Юсуф Жума, Рашид Бекжанов,

Алишер Караматов, Фарходхон Мухторовнинг қамоқдан озод этилишига эришдик. Ўша жадвалга ноҳақ қамалган журналист Хайрулла Ҳамидовдек халқимизнинг ўқимишли фазандларини киритсангиз, яъни бугунги кунга мослаб сайтда чоп этсангиз ёки менинг электрон почтамга жўнатиб юборсангиз яхши бўларди. Ушбу жадвалдаги маълумотлардан миллатдошларимиз, жумладан мен ҳам 13 ёки 14 август кунги пикетларда фойдаланар эдик.

9. Миллатдошларимиз номига ёзилган ва дунёнинг кўпгина мамлакат пойтахтларида ўтказиш режалаштириланаётган Мурожаатномамни иложи борича кўпроқ сайтларда чоп этилишини сўрайман. Токи кўпроқ миллатдошларимиз ўқисин, билсин, пикет ўтказиш йўли билан қамоқдаги намозхон биродарларимизни ҳимоя қилиш орқали савоб олишга ҳаракат этишсин. Ушбу Мурожаатномамни чоп этган ҳар бир сайт раҳбариятига олдиндан ўз миннатдорчилигимни билдираман.
10. Ушбу пикетга мачитда жума ва таровех намозларига борганингизда сиз билан салом-алиқ қилаётган бошқа миллатдаги намозхонларни ҳам жалб қилишингиз мумкин. Токи Имом ал Бухорий, Имом ат Тирмизий каби кўплаб буюк алломалар яшаб ўтган ва бугунги кунда ҳам яшаётган Ўзбекистонда оддий намозхонларга бўлаётган таъқиб-таъйиқ, қамакамалардан хориждаги мусулмонлар ҳам хабардор бўлишсин, ўз дуоларида Ўзбекистондаги биродарлари озод бўлишларида Аллоҳ ёрдам беришини тилашсин.
11. Улуғ Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) марҳамат қилиб қуйидаги ҳадисни айтган эди: «Сизларнинг қайси бирларингиз бирор жиний ишни қилинаётганини кўриб қолсангиз дарҳол уни қўлингиз билан тўхтатинг. Агар бунга имкониятингиз бўлмаса тилингиз билан қайтаринг. Бордию буни ҳам бажара олмасангиз дилингиз билан нафратланиб туринг. Лекин буниси иймони заиф кишининг ишидир» (Имом Тирмизий. – <http://islom.uz/content/view/345/147/>) Сиз билан биз хориждаги Ўзбекистон элчихоналари олдида 2012 йил 13 ёки 14 август куни ўтказадиган пикетимизда бегуноҳ намозхонларни таъқиб-таъйиқ этиш тўхтатилишини, қамоқдагилар озод қилинишини талаб этишимиз жиний ишни тилимиз билан қайтаришга қиради. Биз амалий пикетимиз орқали улуғ Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) кўрсатган йўл-йўриқни бажариб, савоб иш қилган бўламиз.
12. Ушбу савоб ишда ҳаммамизга Аллоҳ мададкор бўлсин, омин!

Шўхратжон Аҳмаджонов

СССР парчалангидан сўнг, унинг мустақил ҳамма республикаларида ҳам, ўзларига хос ва мерос қолган завод ва фабрикалар, бошқа бойликлар келтирувчи корхоналарининг кадрига етиш ва уларнинг ҳатто бир соат тўхтаб қолмаслигини таъминлашни бозор иқтисодига ўтишда, ишсизлик ҳавфининг кўпайишига қарши энг муҳим ҳисоблаб, ўзларининг биринчи вазибалари этиб қўйилди. Барча МДХ ва Марказий Осиёнинг қўшни ҳамма собиқ совет республикаларида ҳам шундай оқилона ишлар олиб борилиб, улкан ва салмоқли корхоналарни хусусийлаштиришга эса, аниқ ва ишончли омишлар барпо қилинмагунча, бундай йирик давлат корхоналарини ҳеч кимга хусусийлаштиришга рухсат берилмаслигига қарор қилинди.

хўжалик ва пахта териш машиналаридан то экскаваторларгача чиқарилиб, бу маҳсулотларнинг асосий қисми СССР бўйлаб эмас, уларнинг аксарияти хорижгача жўнатилиб турган бўлса-да, улардан келадиган даромад СССРнинг ўртадаги “катта қозон”ига тушар эди.

Минг-минглаб тонна асалдан ширин мева-сабзавотларимиз, чорвачилик маҳсулотлари тилло нарҳидаги сифат-



Ёдгор Турлибеков

ким аввал тўхтатди, ишчиларнинг маошларини ким озайтирди, сўнг маошлар бир неча ой тўхтатилиб, маошсиз ишчилар сабр қилиб ортиқча бисотларини охири уйдаги китобларини кўчага чиқариб сотиб кун кўра бошладилар, халқимизнинг сабрутоқати шунча бўлибди-да, нега ундан ўч олишга ҳақкинг бор?

Улар президентининг “келажак албатта буюк бўлади” деган гапларига ишониб, хароб бўлганларидан сўнг, шаҳарликлар далага, кишлокликлар ўзларини шаҳарга урдилар, келажак буюк эмас, уларнинг ягона ҳимоячиси Россия ва Қозоғистон бўлиб, уларга мардорликдан бўлак ҳеч қандай келажак қулиб бокмади-ку?! Миллионлаб ишчилар ортидан дўхтирлар ва ўқитувчилар, улар кетидан ёзувчилар ва олимларимиз, ҳатто

СССР ПАРЧАЛАНДИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ЕРИ ҚОЛДИМИ?

Ўзбекистонда эса ўша давлар Мудоваа юзасидан Улуғ Ватан Урушининг бошланиш арафасидаёқ СССРнинг кўпгина Европа қисми шаҳарларидан энг замонавий улкан харбий техника ва турли станок ва машина қурилмалари ишлаб чиқарувчи ўндан ортиқ йирик заводлар, жумладан, Чкалов номидаги жаҳондаги энг йирик авиазаводлардан бири, Москвадан Тошкентга тезлик билан кўчириб келтирилган эди. Қизиғи шундаки, бу улкан завод “халқлар отаси” Сталиннинг таклифи билан темир йўлнинг ўша вақтдаги уруш сабабли ўта бандлиги ва паравозларнинг кучсиз эканига қарамай, бу завод бор йўғи 27 кунда йўлда унинг ҳатто битта гайкаси йўқотилмай кўчирилиб, 28 кун дават комиссиясига гитлерчи душманни қиришда катта хизматларни адо этган аъло даражадаги қирувчи самолётларни бера бошлади. Қисқача айтганда, мустақиллигимизнинг 15 парчаланган республикалари ичида энг кўп мерос бебаҳо бойлик бўлган заводларга эгаси бўлиш Ўзбекистонга насиб қилган эди. Икким шароитларимиз ва ҳосилдор ер майдонларимиз ва пахта етиштиришнинг ҳам учинчи ва тўртинчи қаторда туриши ҳам ҳавас қилгулик даражада, бунинг устига президентликка сайланган раҳбаримизнинг ҳам иқтисодчи олим экани, ундан-да қувонарли эди. Машинасозлик ва оғир саноатларда 10 дан ортиқ йирик заводлар, энгил ва озиқ-овқат саноатига қарашли республика эмас, фақат Тошкентнинг ўзида 50 га яқин йирик, масалан, улкан текстил комбинати ва 2 пойафзал фабрикалари ҳам гуриллаб ишлаб турган ва уларнинг биронтаси ҳам капитал таъмирга муҳтож эмас ҳолатда эди. Улар конвейерларидан чиқаётган ранго-ранг гўшрт ва сут маҳсулотлари, кийим-кечакдан бошлаб кишлок

ли қорақўл ва ипак толамиз, йилига ўнлаб тонна олтинимиз, рангли металл, газ ва уранларимиз ҳам бутун СССРни бадавлат қилишда асосий таянч ҳисобланар эди.

Буларнинг ҳаммаси мустақилликка келиб тамоман ўзимизники бўлганда бу триллионлаб долларлик бойликларимиздан жудо бўлишга ким сабаб бўлди, уни бизнинг “иқтисодчи олими”миз атайин қиморга тикиб ютказса-да, микрофонга унинг чиқиб олиб “Бизар ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз!” дейишлари-чи?

Бу қандай бориб турган қаллоб, шармандаси чиққан товламачи? деганингизда ҳам ҳақкингиз кетадиган аблахнинг ўзи бўлса-да, яна унинг айблари етмагандай, халққа минг томондан азоб бериб қийнашига нима дейиш керак, халқимизга унинг газини етарли бермай сотса, етарли электрни сотса, худонинг текин суви ни ҳеч бўлмаса таъминлай олмасанг, президент бўлганингдан бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми сенинг, эй жонивор?

Буларнинг ҳаммасини ўйлаганингизда, тарвузингиз қўлтиғингиздан тушиб, бошингизни ушлаб, бир чеккага чиқиб ўтириб қолишга мажбур бўласиз, албатта. Бундай шароит ва омишларимизнинг мустақил бўлган юртимизда, уни хориж радиосида танқид қилсангиз, эшигингиз олдида эргалабданоқ мишраблар қуроллар билан тайёр, прокурор санкцияси билан судлана-сиз, камида умрбод қамоқ ёки ўн беш йил амнистиясиз қамоқдан чиқадиган вақтингиз тугамасдан, яна уч йил ва сал бакуватроқ бўлсангиз, беш йил қўшиб берилади.

Бу қандай бебошлик? У фақат шунча завод ва фабрика ва корхоналарнинг йўқотилиб юборилганига жавоб берсин, ўша “иқтисодчи олим уларни

санъаткорларимизгача, бу юртни ташлаб дуч келган томон тариқдай сочилиб кета бошладилар.

Эссиз ишчиларсиз қолган завод ва фабрикалар ва корхоналарнинг тезроқ бузилиб таланиши учун хусусийлаштираемиз деб, уларни сув текин нарҳда пулдорларга пуллаш бошланиб, бўлажак юртбошимиз қароқчиларга бош-қош бўлиб, колхоз ва совхозларнинг эссиз бойликлари ўн минглаб қора мол, ўнминглаб қўй-қўзилар ва паррандаларигача куппа-кундуз талон-тарож қилинди.

Сўнгидан эссиз қанча маблағлар сарфланиб қурилган фермалар биносининг юқоридан шиферлари сотилиб, ёғоч тахталари то фундамент ғишларигача сотиб юборилиб, таланиб кетди.

Буларнинг ҳаммасига энди халқни гуноҳор қилиб, “сен халқ душмани” ва у “ватан хоини” деб тўғри сўзли, аслида халқ учун жонини берадиган депутатларга тўхматлар ёғилиб, уларни қамаш ўлдиришлар бошланди, ҳамма жим, тилини тишлаган, хўв Олий Мажлис депутати қамалган ва керак бўлса ўлиб кетяпти, мен тирранча кимман ўзим дейишлар кўпайиб, у ҳамманинг ҳатто халқнинг оғзигача тарқалди.

Бу шарманда заррача уятсиз шундай совуқларда, оч ва ялонғоч халқни қириб, ўлдиришга тушди, у энди ақлдан озиб, ўз суянчиклари бўлган ва шу пайтгача халқнинг оғзини ёпиб келган ҳоқиму прокурорларига ташланди хозир.

Уларни ўттиз-қирқталаб қамаб, бойликларини тортиб олмоқда. Бунисига қувонса бўлади, чунки бу афанди ўзи ўтирган шохни мана йигирма йилдан бери ўтмас болтача билан чопиб ўтирган экан, бу шох ҳадемай синса, шох билан “афанди шох” ҳам бирга қулаб, унинг ўшанда ўлганини кўришингиз мумкин.

NEW EUROPE: НАЗАРБОВ РЕЖИМИ КУЗДА ҚУЛАЙДИ!

“Назарбев учун “Магнитский акт”ни қўллаш, унинг режими-ни Қаддофий сценарийси бўйича қулатади” деган ажабтовур сарлавха остида «New Europe» номли газета бир мақола эълон қилди.

13 июл куни эълон қилинган ушбу мақоланинг борлигини куни кеча билиб қолган бир неча Қозоғистон веб-сайтлари ва газеталари, мақолада ёзилган гапларни “сенсация” дея баҳолашди.

Мақолада айтилишича, “Брюсселда, ўтган йилнинг декабр ойида юз берган Жанаўзендаги қотилликлар бўйича резолюцияни Европа парламенти кун тартибига қўйиш бўйича иш олиб бораётган диссидентлар ва мухолифат аъзолари кўпайиб бормоқда”. Яна шу мақолада, гуёки Европа иттифоқи конун чиқарувчи органларида, “Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбев ва унинг оила аъзоларига виза бермаслик ҳамда уларнинг банк ҳисоб рақамларини музлатиш” имкониятлари кўриб чиқилаётганлиги ҳам айтилади.

«New Europe» ўзининг Брюсселдаги манбааларига таяниб “Президентга яқин бўлган юқори лавозимли амалдорлар, ўз бошларини кутқариш мақсадида, 16 декабрда Жанаўзенда намоишга чиққан қуролсиз кишиларга қарата ўт очиш буйруғини шахсан президентнинг ўзи берган” дейди. Газетада яна Жанаўзендаги қирғинда тирик қолганларнинг сўзлари ҳам келтирилади. “Полиция автоматлари билан ўлдирилганлар сони 800 тага етган” деб ёзади «New Europe».

«Жанаўзендаги қонли қирғин ҳақидаги резолюциянинг Европа парламенти томонидан қабул қилинишига тайёрланиши, Назарбев ва унинг командаси кризисни енгиб ўта олиши ёки олмаслигидан қатъий назар тинч йўл ёки Қаддофий режими билан бўлгани каби қулашга тайёр бўлган режимининг сўнгги кунлари бошланганидан дарак беради” дейилади «New Europe» газетасининг “Назарбев учун “Магнитский акт”ни қўллаш, унинг режими Қаддофий сценарийси бўйича қулатади” номли мақоласида. Назарбев режимининг аёвсиз танқидчиси сифатида ном чиқарган журналист Гулжан Эргалиева узининг www.guljan.org сайтыда «New Europe» газетасидаги мақолага муносабат билдирди. Гулжаннинг айтишича, бу мақолани сенсациялар қаторига қўйиш мумкин. Биринчидан, деб ёзади журналист, Назарбев ҳузурда саройининг сирларини тарқатувчилар ва унга қарши ҳаракат қиладиган шахслар пайдо бўлибди. Иккинчидан эса, Жанаўзен қирғини қурбонлари дахшатли рақамларда келтирилган, учинчидан, Европа Қозоғистон президентини тахтдан



тушуриш билан шуғулланишга бошлабди. Бирок негадир ҳеч ким, бу қадар сенсацион баёноддан сўнг ҳам Остонага савол ташламаяпти, жохон оммавий ахборот воситалари Оқўрдани қамал ҳам қилгани йўқ, Қозоғистоннинг ўзида ҳам суқунат ҳукмрон – ҳеч ким бу ахборотни байроқ қилиб кўтаргани ҳам йўқ, ёки ғазаб билан рад этгани ҳам йўқ, дейди яна журналист Гулжан Эргалиева. “11 кундан буён интернет оламида сузиб юрган “Назарбев учун “Магнитский акт”ни қўллаш, унинг режими Қаддофий сценарийси бўйича қулатади” номли сенсацион мақоласи юзасидан пайдо бўлган саволлар жуда ҳам жиддий бўлгани боис, биз «New Europe» сайти билан боғланишга уриндик. Бирок, сайтда кўрсатилган электрон манзилларга жўнатилган мактубларимизнинг ҳаммаси қайтиб келди, шунингдек, кўрсатилган телефон рақамларини теришимиз ҳам фойда бермади. Шундан сўнг биз, «New Europe» номли нашрнинг ўзи борми ёки йўқми деб ўйлаб қолдик” деб ёзди ўз сайтыда журналист Гулжан Эргалиева. Ҳақиқатдан ҳам жуда ҳам қизиқ вазият. Махаллий газета ёки сайтларда пайдо бўлган Назарбев ҳақидаги танқидий чиқишларга ўта тоқатсиз бўлган Оқўрда нуфузининг химоячилари, Қозоғистон етакчиси обрўсини бир пул қиладиган мақоланинг Европа газетасида пайдо бўлишини кўриб кўрмаганга олаяпти. Аслида, оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган бундай айбловлардан кейин президент Назарбевга халқаро трибуналнинг қора курсиси нақд бўлиши керак эди. «New Europe» газетасида чиққан мақола фақат қозок мустикал нашрлари диққат марказида турибди ҳоло. Расмий матбуот ҳозир бу ҳақда муносабат билдиргани йўқ. “Суқут аломати ризо”, дейди қулиб бир таниш қозок журналисти. “Демак, ғарб Қозоғистонга нисбатан ўзининг қанақадир режасига эга ва яқин ойларида нимадир ўзгариши

керак” дейди у. Айна пайтда эса, Россиялик сиёсий таҳлилчилар юқоридаги мақола атрофида мунозараларни бошлаб юборишди. Башоратлари 99,9% даражада тўғри чиқиши айтилаётган таникли россиялик таҳлилчи, Глобализация ва ижтимоий ҳаракатлар институтининг иқтисодий тадқиқотлар Маркази раҳбари Василий Колташовнинг айтишича, Қозоғистондаги тузумнинг тақдирини шу йилнинг кузида хал бўлади ва Россия Назарбев ҳукуматини кутқариш ёки қўллаш учун ҳатто бармоғини ҳам қимирлатмайди. “Менинг фикримча, Қозоғистондаги режим бутунлай паралич бўлганига қадар Европа томошабин бўлиб туради. Нурсултон Назарбевнинг тахтда қолиши имкониятлари оз эканлигини Брюсселда тушуниб қолишди”, – дейди Василий Колташев. Таҳлилчининг фикрига кўра, Назарбев тинч йўл билан тахтни бўшатса ва қандайдир шартга биноан мамлакатдан чиқиб кетса, унинг ўзи ва яқинларининг омон қолиши имконияти кўпроқ бўларди. Акс ҳолда, дейди Василий Колташев, у узининг режимининг қандай қулаётганини кўришга маҳкум бўлади ва унда Назарбев учун ортага чекиниш йўллари кесилган бўлади. “Унинг бугунги дўстлари – АҚШ ва Европа Иттифоқи – ундан биринчилардан бўлиб юз ўгиришади. Россия эса Назарбев ҳукуматини кутқариш ёки қўллаш учун ҳатто бармоғини ҳам қимирлатмайди. Россиянинг ўзининг муаммолари етарли ва янги қозок ҳукумати билан эффектив ҳамкорликни йўлга қўйиш осонроқ” дейди Россиялик сиёсий таҳлилчи Василий Колташев. Ўрта Осиё минтақасида ўз таъсирини сақлашга жон жаҳди билан уринаётган Россиянинг сиёсий таҳлилчилари ўз сўзларини шамолга совурмайдилар... Демак, таҳмин қилиш мумкинки, минтақа мамлакатлари ва уларнинг авторитар ҳукуматларини жиддий синовлар кутаяпти.

Улуғбек Хайдаров

КИМ АСЛИДА КИМ ЭДИ ЁКИ ЎРГАНИЛМАГАН ТАРИХ (1)

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати кучайиб боргани ва унинг ғоялари кенгрок оммага ёйилгани сайин унга қарши, унинг раҳбарларига қарши хужумлар ҳам тез-тез содир бўла бошлади. Маълумки, бир сиёсий ташкилотни “синдириш” ва парокандаликка учратиш учун унинг раҳбар кадрлари ҳамда Лидерини обрўсизлантириш тактикаси, сиёсат пайдо бўлган қадим даврлардан бери ўзгармай келаётган бир тажрибадир.

Бугун ЎХХни обрўсизлантириш йўлида Каримов режимига ёрдам кўрсатаётган интернет сайтлари (ҳаракат.нет, туронзамин, замондош, янгидунё) бу йўлда бутун ғайрати билан ишламоқда. Буларда босилаётган ёлғон хабарлар ёки тўлалигича бўхтонлар, мухолифат ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган кишиларни чалғитаётгани ҳам бир факт. ЎХХ раҳбарларидан М.Абутов, Н.Нормўмин ва албатта-ки М.Солиҳ шахсларига қарши юритилаётган қоралаш кампанияси, бундай нарсаларга эътибор қилмасликка интилган биз каби сабрли кишиларнинг ҳам сабрини тошира бошлади.

Кун кеча бу мавзуда ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзоси Номоз Нормўмин “дунёўзбеклари” сайти муҳаррири Исмаи Хушевнинг бир

мақоласига жавоб берган эди. Афсуски, иш бу билан тамом бўлмади, Н. Нормўмин мақоласига жавобан Хушев, ўз сайтида ЎХХ нинг азалий душманлари бўлган (мама-тов-ризо-пулатов ва ҳоказо) каби Каримов ялоқхўрларининг изоҳлари ва мақолалари билан тўлдириб ташлади ва ўзи ҳам “демократия” баҳонасида уларнинг сафидан ўрин олди. Биз учун бундан кейин ҳам ҳеч нарса бўлмагандай тураверишнинг имкони қолмади.

Биз Каримовга қарши курашар экан, истамасак-да, уларнинг узантилари-саркитлари билан ҳам мужодала этишимизга тўғри келаяпти. Бу ҳам режимга қарши курашнинг бир парчасига айланди.

Хусусан, “дунёўзбеклари” сайтида “янгидунё”дан қўчириб босилган Ю.Расулнинг “Ўша пайтда орамизда энг танилган киши Муҳаммад Солиҳ эди”, номли мақоласида нафақат Муҳаммад Солиҳ шахси, балки ўша тарихий 80-90 йиллар ҳақида ҳам очик ёлғон информация бериб, ўқувчини чалғитишга уринилган. Ватанимиз истиклоли масаласи кун тартибда турган ўша 80-90 йилларда КИМ АСЛИДА КИМ ЭДИ?

Бу савол, тарихнинг “ит эгасини, мушук бекасини танимаётган” бугунги

босқичида жуда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳаммад Солиҳ 80-90 йилларда Ўзбекистон сиёсий ҳаётида марказий фигуралардан бири эди. Буни бутун дунё матбуоти эътироф этган. Ҳатто бу ҳақда хорижий олимлар илмий ишлар ҳам ёзишган (Руф Диблер Американинг Индиана Университетида ушбу мавзуда докторлик диссертациясини ёқлаган).

Муҳаммад Солиҳ ўзининг миллий ғоялари билан, бу ғоялар ёритилган жасур мақолалари билан Совет даврида, 80-йилларнинг ўртасидаёқ тилга тушди. “Бирлик” ҳаракати ва бошқа барча сиёсий ҳаракатлар ҳам унинг ўша машҳурлиги асосида вужудга келди, десак муболага бўлмайди.

Каримов режими ва унинг пўлатовлар тўдаси каби ёрдамчилари бу ҳақиқатни 20 йилдан бери хаспўшлашга уриниб келмоқдалар. Биз улар таркатаётган дезинформацияга жавоб ўларок, бугун Ўзбекистонда яшаётган ёзувчи Дадахон Нурий тарафидан 1991 йил декабрь ойида Президентлик сайловлари арафасида ёзилган бир мақолани келтираемиз.

ЎХХ матбуот бўлими

САРКАШ ТЎЛҚИНЛАР (ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ОЛДИДАН)

Бундан қарийб йигирма йилча муқаддам, рассом укам устохонасида унинг катта қилиб чизилган суратини кўрганман. Сўнг ўзи билан учрашиб, негадир кўнглим тўлмаган, кўпол, ўта такаббур, ҳатто худбинроққа ўхшаб туюлганди менга. Буни Темурдан яширмадим ҳам. Ўшанда у “Ака, Муҳаммад Солиҳ яхши шоир, кўнгли тоза, фидойи йигит. Табиатан шунақароқ, холос, кейин билиб оласиз”, деганди.

Ростданам, ҳар ким англаб етавермайдиган хулқ-атворли бу шоир билан кейинча яқиндан таниш бўлиб қолдим. Менинг назаримда у олисдаги баланд тоғлар бағридан сизиб чиқан, атрофдаги яшиллик оламига оби-ҳаёт бахш этаётган чашмага ўхшайди. Бу чашманинг исёнкор, саркаш тўлқинлари бор.

Гап унинг бизлар учун ҳозирча аънаванвий бўлмаган услубдаги шеърлари ва уларда яширилган маъно ҳақида кетмоқда. Бу маънолар ғалвирак бодом мағзидай кафтингизга дарров

тушақолмайди, уни андак ақл тазорусига солиб “чақмоқ” керак.

Шоирнинг кейинги йиллардаги энг долзарб, оғриқли муаммоларини ўз ичига олган маърузалари, марказий ҳамда маҳаллий матбуот саҳифаларида тез-тез босилиб турадиган публицистикаси ҳеч қачон, ҳеч кимни бефарқ қолдирган эмас, қизғин тортишувларга сабаб бўлган. Солиҳнинг бу ижтимоий, сиёсий мавзудаги мақолалари ўз вақтида Муस्ताқиллик, Истиқлол, миллий қадр-қиммат ғояларини ҳаммадан олдинроқ халққа етказган, кўпчиликнинг “кўзини очган” сабоқнома вазифасини ўтади.

Ёзувчилар уюшмамизга сайлангач, Муҳаммад Солиҳ Бўстонлик ҳимоясига шайланган ижодкорларнинг олдинги сафида турди. Жумҳуриятимизда халқ демократик ҳаракатининг илк куртаги – “Бирлик” ташкилотини тузишда катта фаоллик кўрсатди. Унинг номзоди халқ депутатлигига кўрсатилиши баъзи амалдорларни чўчитиб юборди. Ёшлар шоир



номзодини ёқлаб, қонуний митингга йиғилганларида, майдон атрофида зир югуриб, милиция ходимларига “уриб ҳайданглар, тарқатинглар буларни!”, дея ғиж-ғижловчи буйруқ бериб юрганларнинг кўпини кўрганмиз.

Қарангки, ўшанда район милиция состави талабалар устига бостириб бормади, ҳатто улар эртаси кун ўз бўлиналарининг мажлислар залида Муҳаммад Солиҳни ёқлаб, йиғилиш ўтказишди.

Россияда асфальт бетончи бўлиб ишлаб, бизда Тошкентдай шаҳри азимнинг “оқпошшо”лигини эгаллаган Сатин жаноблари қай даражада жазавага тушгани, кимларга партиявий жазо бериб, кимларни мажлисларда “дўппослагани” алоҳида мавзу...

(Давоми кейинги бетда)

САРКАШ ТЎЛҚИНЛАР (ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ОЛДИДАН)

(Давоми боши олдинги бетда)

“Мен уни кўриш тугул, “Мага-мет” деган номини эшитишни ҳам истамайман!”, деб бақирган у йиғилишлардан бирида.

Қаранг, подшоҳимнинг кўнгилхушлиги деганларидай, орадан кўп ўтмай, бу истакни амалга оширадиганлар топилақолди:

“расмий ёлғончи” лиги билан кўпчилиكنинг норозилигига сабаб бўлган ЎзТАГ мухбирлари (Ю.Кружилин) худди ўттиз еттинчи йилларнинг жирканч усулини эслатувчи катта мақолани бир йўла бир неча газеталарда эълон қилиб, шоирни “фoш” этишди.

Уни порлоқ келажакни кўрабидиладиган ғаламисга чиқариб кўяёздилар. Юқорининг кўрсатмасига биноан уюштирилган бу ифвогарликка қарши минглаб ёш-яланг ЎзТАГ биноси, Инқилоб хиёбони атрофидаги кўчаларни тўлдириб норозилик намойиши уюштирдилар...

Ўша “Правда Востока” да босилган “Муҳаммаднинг асл қиёфаси” Ўзбекистонга овоза бўлган кунлар биз Мирзо Кенжабек билан шу воқеанинг гувоҳи бўлдик: азон пайтида Муҳаммад Солиҳ яшайдиган бинонинг эшиги остонасида бир ҳовуч бўлиб ўтирган кекса онахонга кўзимиз тушди. У тепа қаватга кўтарилишга юраги бетламайми, юм-юм йиғларди. Момо узoқ Хоразмдан келибди. Бизни кўрибoқ, сўрагани шу бўлди: “Болаларим, ўғлим шу ердами? Ҳеч қаяққа олиб кетишмаганми?”...

Кўп ўтмай ўшаларга қарата Мирзо “Шоирнинг онаси” шеърини ёзди. Унда куйидаги мисралар бор:

*Шоирнинг айбими ҳақни
уққани?*

*Онанинг айбими шоир
туққани?*

Ҳақ қани?

Ҳақиқат тиккан туғ қани?

Шоирнинг онаси нима кўради?

Мадомики, биз ҳам кўплар қатори ўзимизни демократ деб атаётган эканмиз, жумҳуриятимиз президентлигига муқобил номзод кўрсатилганлиги расман тан олинган экан, ҳар икки томоннинг ҳақ-ҳуқуқи баробар бўлсин.

“Пошшо ўлди. Яшасин пошшо-ваччалар!” деган заҳарханда нақл бор. Бизда ҳамон “сотинваччалар” яйраб-яшнаб юришганга ўхшайди.

Куни-кеча шаҳарнинг Собир Рахимов районида бўлиб ўтган йиғилишда сўз олганлардан бири Муҳаммад (“Магамет” эмас!) Солиҳ номини айтиб юборди-ю, юқорида ўтирган бошлиқ чаён чаққандай сапчиб тушди ва бақирди:

“Кўйинг, ўша номни тилга олманг!”

Биз, мана бир неча йилдан бери ошкоралик, ҳурфикрлилик, дея наъра тортиб келаётимиз. Аммо уларга қачон амал қиладиган бўламмиз?

Баъзи раҳбарларимиз онгини ўз қавми жонқуярларига нисбатан аламзадалик эмас, бирдамлик, миллатпарварлик тушунчалари қачон эгалларкин! Худо уларга ҳам инсоф берармикан?!

Яна бир мисол: яқинда Бўстонлик маорифчиларининг бошлиғи кўпчилиكنи йиғиб, президент сайлови ҳақида маъруза қилди. “Муҳаммад Солиҳ дегани чиқибди. Президент бўлмоқчи эмиш, шоир экан, шеърини ёзавермайдимиз,” деган мазмундаги гапларни айтди.

М. Солиҳнинг бир неча йил аввал эълон қилинган мақолаларидан бирида шундай жумлалар бор:

“Биз юксак онгли инсон тарбияси ҳақида кўп гапирамиз. Буеун қарасак, ҳалол одамлар биз ўйлаганчалик кўп эмас экан. Улар бизнинг боқчаларимизда тарбия топди, мактабларимизда ўқиди. Олий ўқув юртларини битириб диплом олди-ю, илм-иймон олмади. Улар на Худо, на шайтонга ишонади, фақат ўз қорнини ўйлаб яшайди. Зотан, маданияти чуқур бўлмаган инсон ҳалол бўлолмайди.”

Ҳақ гап! Ҳозир одамлар баландпарвоз мақтовлардан, қуруқ ваъдалардан тўйиб турган бир пайтда, уларнинг юзига қараб, қизишмай оқилона, ҳалол гап айтиш жуда-жуда зарур!

Буни, бир жуфт калиш олиш учун жиққамушт бўлиб ётган оломон, зир югуриб дурустроқ

егулик, оддий кийим-кечак тополмай, кўнгли ярим ҳолда, болалари ҳузурига қайтаётган фуқаронинг дарди четда қолиб, минбарни оқ калтак-қора калтак қилиб, “шоирларнинг адабини бериш жойи”га айлантирган оғзи ботир халқ ноиблари тушунмоқлари лозим.

Яна уларга шу маълум бўлсин-ки, давлатни бошқариш йуриқларига оид қадимги Ҳинд “Таъбирнома”ларида “жоҳиллари устивор бўлган юртда шоирларга тош отилур”, деган жумлалар бекорга ёзилмаган.

Биз мислсиз истибдод даври, деб қоралаб келган ўтмиш замонларда ҳам ҳеч ким Ҳазрат Навоий, Мирзо Бобур, Умархон, Хоразмий, Нодирабегимга фақат шеър ёзинглар, давлатни бошқариш палончи акамизга ярашади, демаган.

Бу нодонликдан шоирнинг куюниб ёзганича бор:

*Кулинг, сўкинг.
Бу кун урф булар,
Деманг: шеърни ардоқлаган
Шарқ.*

*Ёқавайрон шоирдан кулар
Дунёда ҳар хонавайрон халқ.
Ўйланг! Қўйманг!
Нур ҳам ёв бўлар!
Жаҳолатнинг дунёси ажиб!
Кейин қандоқ яшарсиз, булар
Кўзингизни қўйсалар очиб?!*

Дарвоқе, Муҳаммад Солиҳнинг ўзи ким?

Уни билиб-билмасликка, таниб-танимасликка олиб юрган ўртоқларга шуни маълум қилиб қўймоқчиман: жумҳуриятнинг тўла мустақиллиги ғоясини биринчилардан бўлиб кўтириб чиққанида, бундай ғайритузум “баёнот”га норозилик сифатида Олий Кенгашдаги “ватанпарварлар” ер тепиб, уни минбардан тушириб юборишганди...

Хайрият! Бу “хатолик” кўп ўтмай тузатилди!

Яна, Иттифоқ шартномасига имзо чекиш миллат олдидаги катта жиноятдир, деб қаттиқ туриб олган ва ўз фикрини ўтказа олган ҳам мана шу зот бўлади!

У “қандайдир шоир” ёки тасодифан ўйин майдонига тушиб қолган ҳаваскор эмас!

Муҳаммад Солиҳ – бу Шахс!

Дадахон НУРИЙ
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1991 йил 20 декабрь

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Химоячи Кохоутованинг айтишича: “Солихни озод этиш бўйича жуда катта халқаро босим мавжуд. Дунёдаги кўплаб одамлар мен билан алоқада туришибди ва кўп кишилар норозилик намойишига тайёрланишмоқда. Чехия ҳукумати Ўзбекистондан Солихни айбдор эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни кутмоқда. Агар улар қирқ кун ичида юборилмаса Солих турмадан озодликка чиқарилади”. 2001 йилнинг 3 декабр куни Норвегияда чиқадиган “Афтен Постен” газетаси шундай ёзди: Мухаммад Солихнинг аёли Ойдин ва ўғли Темур Ослода яшайди. Улар оила бошлиғи ҳаётидан жуда хавотирда. Ойдин ўзини суратга олишимизни истамади. Бу оила 1993 йилда Ўзбекистонни тарк этган ва шу вақтга қадар жуда таҳликали вазиятда яшаб келган. -Биз Президент Хавелга умид қиламиз, деди Темур. Яна Темурнинг айтишича уни амакилари, отасининг уч укаси Ўзбекистон турмасида тутқун каби ўтиришибди.”

Солихни Прагада ҳибсга олиниши билан боғлиқ жуда кўп баёнотлар ичида ўта кескинлари ҳам бор эди. Америкадаги Жорж Майсон Университети профессори Марк Катз “Москов Таймс” газетасида 2001 йилнинг 3 декабр куни босилган “Диктаторни эмас, демократияни химоя қилинг” номли мақоласида ёзганди:

“Диктаторнинг “исломий террорчиликка қарши кураш” сафсатаси жонга тегиб кетди. Ўзбек лидери, диссидент Мухаммад Солих ўтган ҳафта охирида Ўзбекистон талаби билан ҳибсга олинган. Мен Солих билан 1992 йилнинг октябрида Тошкентда учрашганман. У ислом фундаменталисти эмас, балки демократдир. У 1991 йилги президентликка сайловда Каримовнинг рақиби бўлган. Ҳатто сайловда сохтакорликка йўл қўйилган бўлсада, у 12,7 фоиз сайловчилар овозини олган. Кузатувчилар фикрича, бу сайловда у кўп овоз олган. Солих менга Каримов демократик мухолифатни ғарбга “исломий фундаменталист” каби кўрсатиб келгани ҳақида гапирган эди. Солих ғарбни бу каби ёлғонларга ишонадиган даражада содда эмас деб умид қилган, бироқ ишониларидан хавотирга тушган эди. Солихнинг башоратига кўра Каримов дунёвий мухолифатдан жуда осон қутилиши мумкин, у ҳолда ҳақиқий исломий мухолифатдан қутилиш жуда қийин бўлади. Башорат тугади. ... Кўпчилик ҳозир ўзига ўзи савол бермоқда: биз дунёнинг нариги қисмига нима олиб борамиз, демократиями ёки иттифокдошлар қўлловидаги диктатураними? Солихнинг келажакдаги тақдири шу саволга жавоб бўлиши мумкин.”

Ҳибсга олишнинг бешинчи кунида

Норвегиянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Лассе Сеймга Солих билан учрашишга рухсат этилди. Элчи Солихни Норвегия ҳукумати иш судга ҳам етмасдан қамоқдан озод қилиш учун барча имкониятларни ишга солиши ҳақида ишонтирди. У экстрадиция хавфи ҳали ҳам мавжудлигини ва шу боис бу жуда муҳим эканлигини айтди. Мухаммад Солих эса, судга қадар қутишини билдирди. Элчи таъбирича тушиб қолганди. У Солихни вазиятни жуда қалтис эканлигига ишонтиришга урунди, Солих эса ўз сўзида туриб олди. У ўзини суд қилишларини, бу Ўзбекистон ҳукумати тухматларини рад этиш учун ягона имконият эканлигини айтди. “Мен қанча вақт бўлса қутишга тайёрман, ўзбек ҳукумати мени айбдор эканлигим ҳақидаги барча ҳужжатларни тақдим этсин, суд эса уларга кўра ҳукм чиқарсин”, деди у. Айни чоғда Озодлик ва Озод Европа радиоси президенти Томас Дайн Чехия пракуратурасига ўзига хос хат билан мурожаат қилди. У Мухаммад Солихни Озодлик ва Озод Европа радиолари қафолати остида судга қадар озод этишни илтимос қилганди. Чехия судида шу пайтгача бунақа ҳодиса содир бўлмаган эди, агар содир этиладиган бўлса, бу мамлакат суд-ҳуқуқ соҳасида биринчи ҳодиса эди. Томас Дайн ўз хатида шундай ёзганди: “Биз жаноб Солихни ўз ватанини демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини яхшиланиши учун курашувчи, ажойиб, ростгуй ва жасур инсон сифатида яхши биламиз. Шунинг учун ҳамкасбларим ва мен Чехия қонунарига асосан уни судгача озод этишга қақирамиз. Биз суд қарори эълон қилинганча уни Чехияни тарк этмаслигига қафолат берамиз”. (05.12.2001, RFE/RL)

Бу хатга умуман қутилмаган жавоб олинди. Чехия Республикаси Полициси спикери Данис Храблов шундай деганди: “Бизни жаноб Солих қанақа одам эканлиги қизиқтирмайди. Муҳими шундаки, уни қамоққа олишга ордер бор”. (The Prague Post, by James Pitkin, 05.12.2001)

Чехияга халқаро жамоатчилик босими кундан кун ортиб борарди. Чехия Республикаси Президенти Вацлав Хавел радио орқали чиқиш қилиб, вазиятга баҳо беришга мажбур бўлди. “Мен ишонаманки, у тоталитар ҳукмдорга тортиқ этилмайди, аксинча Норвегияга жўнатилади. Мен бу воқеадан ниҳоятда таассуфдаман. Бу ҳодиса бизни Республикаимиз нуфузига соя солади”. Хавел Солих учун барча имкониятни ишга солишини таъкидлади. (07.12.2001, RFE/RL, Jolyon Naegele). Бироқ Солихни озод этилиши борасида бирор мужда йўқ эди. “Нью Йорк Таймс” газетаси махсус муҳбири Питер Грин Панкрас

турмасида Солих билан учрашуви ҳақида ёзди: “Панкратс турмасидаги оқ рангга бўялган учрашув хонасида, турма кийим бошида, қимирлоқ ўриндик устида ўз халқининг эътирофи этилган шоири ўтирарди. Унинг боши орғидаги панжара орқасида эса бир парча булутли осмонни кўриш мумкин эди”. (09.12.2001, “New York Times”) Ниҳоят, 10 декабр куни Президент Хавел Солих иши бўйича Ички Ишлар вазири Станислав Гросс билан суҳбатлашганини матбуот хадимларига маълум қилиб, Солих тез кунларда турмадан озод қилинишини айтди. “Балки, бу мени қафолатим остида бўлади”, деди у. Президент Хавел шунингдек, озод этилган Солих билан учрашиш нияти борлигини қўшимча қилди”. (СТК, 10.12.2001). Ниҳоят 11 декабр куни Рейтер Агентлиги шундай маълумот тарқатди: “Чехия суди Ўзбекистон мухолифати партияси лидерини турмадан озодликка чиқариши ва энди у ўзини экстрадиция қилиниши масаласи кўриб чиқиладиган маҳкамани кутади. Ўтган ҳафтада Осло Солихни Норвегияга қайтаришни расман талаб қилганди. Совет пайтидан буён мамлакатни бошқариб келатган Каримов Солих партияси “Эрк”ни ислом давлати куришга урунишда айблаган”. (Reuters, 11.12.2001)

Мухаммад Солих турмадан озод этилганидан икки соат ўтиб, Озодлик ва Озод Европа радиоларининг катта залида матбуот анжумани ўтказди. У суднинг экстрадиция борасидаги ҳар қандай қарори демократия учун ўзининг ҳаётидан кўпроқ аҳамиятга эга эканлигини айтди. “Президент Буш террорчиликни илдизи билан кўпориб ташламоқни истайди. Биз унга бу илдизларни кўрсата оламиз. Бу илдизлар диктаторлик режими-дир” деди у. Матбуот анжуманида 80 дан ошмиқ маҳаллий ва халқаро журналистлар иштирок этишди. Ўша куни Президент Хавел СТК агентлиги муҳбирига 12 декабр куни Солих билан Прага Қасрида учрашишни маълум қилди. Унинг таъкидлашига кўра, Президент офиси Солих химоясига бутун дунёдан келган қақирқларга тўлиб кетган. 12 декабр куни Солих Президент саройида қабулда бўлди. Чехия Президенти Вацлав Хавел меҳмон билан суҳбатда Ўзбекистондаги вазият ва Солихнинг режалари билан қизиқди. Учрашув жуда илиқ вазиятда ўтди. Солих Президентга турмада ёзган ўз эссесини совға қилди. Учрашув сўнггида Мухаммад Солих Президент билан биргалликда матбуот вакиллари учун қисқача суҳбат ўтказди. 14 декабр куни Солихни экстардиция қилиш масаласида шаҳар суди мажлис ўтказди.

(Давоми кейинги бетда)

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бироқ у экстрадиция қилинмаслигини ҳамма биларди. Суд Муҳаммад Солихга Каримов режими маҳкамаси сохтакорликларини исботлаш учун оз бўлсада имконият берган эди. Ҳақиқатдан ҳам Прага суди Ўзбекистон вакиллари тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш натижаси ҳақидаги ўз хулосаларини эълон қилгач, бу мамлакатдаги инсонларнинг ҳуқуқий ахволлари қай даражада эканлиги барчага маълум бўлганди. Суд ўзбек томони тақдим этган барча материалларни сиёсийлаштирилганини эътироф этди ва Муҳаммад Солихни айбсиз деб эълон қилди. “Los Angeles Times” газетаси махсус мухбири Давид Холлей 2001 йилнинг 15 декабр куни шундай ёзди: “Адолат тантана қилди, деди Муҳаммад Солих суддан чиққач. Ўзбекистонда минглаб одамлар ўз ғоялари ва сиёсий қарашлари учун таъқиб қилинмоқда ва қийноқларга тутилмоқда, деди у. Чоршанба куни у, коммунистларга қарши ҳаракати учун Солих ўтирган айни шу турмага қамалган Президент Хавел билан учрашувга, Прага Кальсига тақлиф этилганди. Мен шундай хулосага келдим, Солих, ҳукумат томонидан сохта айблов кўйилган инсон, аслида ҳақиқий демократ ва инсон ҳуқуқлари учун курашчидир, деди Президент Хавел”. Суддан кейин, 14 декабр куни кечкурун, Солих кейинги уч йил ичида ўзи яшаб келаётган Осло томон учди.

Адолатли қарор учун қасос Ўзбекистон Президенти Каримов Прага “иши” натижаларидан қаттиқ ғазабга келган эди. Каримов бундай вазиятда ўзини хафа қилган тарафга қарши қаттиқ чоралар кўришини кўпчилик яхши биларди. Бу гал шундай “тароф” Чехия Республикаси эди. Ва шахсан ўзининг бир галги чиқишида Каримовни “диктатор лидер” деган Президент Хавел эди. Ислому Каримов Чехия билан барча савдо шартномаларини кўздан кечирди ва трамвайлар сотиб олиш бўйича тузилган шартномага тўхтади. Бу муҳим шартнома эди, агар уни бекор қилса, Чехия ким билан ҳамкорлик қилганини ҳеч қачон ёддан чиқармаслиги мумкин эди. Шартнома бекор қилинди. Ва ҳеч ким Каримовга бундай қадам Чехиядан кўра Ўзбекистонга қатта зарар келтириши мумкинлигини айта олмади. Чехия трамвайлари Ўзбекистон учун жуда арзон ва қулай эди.

Каримовнинг АҚШга ташрифи 2002 йилнинг март ойида Ўзбекистон Президенти Ислому Каримов расмий ташриф билан Вашингтонга келди. Матбуот Каримовнинг ташрифини деярли ёритмади. Гўёки америкаликлар ўзбек диктатори билан зару-

рий иттифоқчиликдан уялишган ва буни оммавий сукунат билан ифода этишаётган эди. Бошқа томондан кудратли давлат ўз ишини қилди. Америка томони хавфсизликнинг муҳим нуқталарини урғулаган, Ўзбекистонни АҚШ принципларини бажаришга мажбур этадиган ўзаро ҳамкорлик бўйича муҳим шартнома ни имзолади. Балки маълум ёпиқлик талаб қиладиган нозик нуқталари бўлса керакки, шартнома матни эълон қилинмади. Конгресснинг бир гуруҳ депутатлари Каримовга, таркибида ёзувчи Мамадали Маҳмудов, Муҳаммад Солихнинг уч укаси бўлган сиёсий маҳбусларни озод этиш сўралган хатни тақдим этишди. Афтидан, Каримовга бу илтимос ёқмаган эди, у Ўзбекистонга қайтгач бу масалани батамом унутди. Шунга қарамай Америкаликлар турли усуллар билан Каримовни кўндиришга урунишар, минтақада бор кучлари билан америка манфаатлари учун курашишга, ўз мавқеъларини сақлаб қолишга тайёр эдилар. Каримов узоқ куттирмай ва ортиқча шов-шувларсиз бир инсон ҳуқуқлари ташкилотини рўйхатдан ўтказиб, Қизил Хот ташкилотини маҳбусхоналарга киришларига рухсат бергани учун, АҚШ Каримовга миннатдорчилик изҳор қилди. Каримов “Бирилик” партиясини ҳам рўйхатдан ўтказиши мумкинлигига ишора қилгач, АҚШнинг Тошкентдаги элчихонасида байрам бўлиб кетди. Бироқ АҚШ шунини унутмаслиги керакки, у зўравон тузумни қанча қўлласа, Ўзбекистонда Америкага қарши норозиликлар шунча ўсиб бораверади. Бу борада Муҳаммад Солих ўзининг бир мақоласида шундай ёзганди: “Америкаликлар бир кун келиб ўзбек халқи американи Каримов деб қабул қилишларидан эҳтиёт бўлиши керак”.

Радикал мухолиф гуруҳлар Каримов дунёвий мухолифат билан қасдлашиб юрган пайтда, “исломий мухолифат” кучга тўлиб борди. 90 йиллар бошида “исломий гуруҳлар” ташкиллашмаган эди, тўғрироғи улар сиёсий куч сифатида мавжуд эмас эди. 1992 йилда, Ислому Уйғониш партияси (Тошкент) лидери Абдулла Ўтаевнинг ҳибсга олиниши ва “Адолат” (Наманган) жамиятини тарқатиб юборилишдан кейин, бу гуруҳлар аҳоли орасида ўз таъсирини деярли йўқотиб бўлди. Бироқ ҳукуматнинг исломни сиёсийлаштиришга алоқадор бўлмаган тинч мусулмонларга қарши қатагонларини давом эттиши, адолатсизлик ҳамда жабр – зулмдан қутилиш учун “халифат”, “ислом давлати” каби муқобил ҳукумат тарафдорлари кўпайишига олиб келди. Ўзбекистон Исломи Ҳаракати дея номланган гуруҳ ана шундай заминда вужудга келган

эди. Бу гуруҳ Тожикистон режимига қарши кураш олиб борган Тожикистон Исломи мухолифати таркибида тузилган. Кейинчалик, бирлашган тожик мухолифати Раҳмонов режими билан сулҳга келиб, ҳукумат таркибига киргач, Жума Намангоний ва Тохир Йўлдошев бошчилигидаги ўзбеклар гуруҳи Афғонистонда қолишди, Ўзбекистон эса уларни душман деб ҳисоблашда давом этаверди. Агар ўшанда Ўзбекистон раҳбарияти истаганда эди, бу гуруҳларни ватанга қайтишларига ва тинч ҳаёт билан машғул бўлишларига ижозат бериб, бекорорликнинг бу ўчоғини жуда осон йўқотган бўлар эди. Бироқ у бундай қилмади. Афтидан ҳукуматга “исломий фундаменталист” каби душман сиймоси жуда керак эди. Агар Нью Йоркда 11 сентябр фожеаси содир бўлмаганда эди, бу гуруҳ Ўзбекистон режими учун жиддий хавф сифатида сақланиб қолаверарди. Тақдир ўйини шундай бўлди, Америка фожеаси Каримов режимини бу хавфдан қутқариб қолди. ЎИХ АҚШнинг ҳарбий машиналари ёрдамида йўқ қилинди. Ўзбекистонда эса энди Ҳизбут таҳрир фаоллаша бошлагани. Араб дунёсидан келтирилган бу партия дунёда (биринчи навбатда мусулмон мамлакатларда) Халифалик тузумини жорий қилишни тарғиб қилади ва ўз мақсадлари йўлида тинч йўл билан курашади. Ислому давлати ёки Халифалик ғояси асосан адолатсизликлар ва ҳукумат қатағони энг юқори чўққига етиб, одамлар давлат терроридан қутулиш учун дуч келган оқимга қўшилаётган бизни юртимизда кенг қулоқ ёйди. Ҳизбут таҳрир мусулмонларга адолатли ҳаёт ваъда қилмоқда. Бу партия балки Ўзбекистонда кейинги йилларда фаол ҳаракат қилгани учун, мамлакатда анча танилган ташкилотга айланди. Айни пайтда Ўзбекистонда расман тан олинган 8 минг сиёсий маҳбус борлиги айтилади. Уларнинг асосий қисми “исломий гуруҳлар” аъзолари ҳисобланади. Шу нарса аниқки, ҳукумат истаган одамни диний экстремизмга алоқадорликда айблаб узоқ йилга озодликдан маҳрум этиши мумкин, бироқ ҳеч ким бундай ҳукмлар устидан адолатга эриша олмади, эришмоқчи бўлганларнинг ўзлари қамалади. Қузатувчиларнинг тасдиқлашича, Каримов режими маҳбусхоналарида Ички Ишлар вазирлиги ҳисоботида виждон тутқунлари рўйхатига киритилмаган минглаб маҳбуслар бор. Улар асосан бирор сиёсий гуруҳларга дахли бўлмаган оддий одамлардир. Уларни Аллоҳга ҳар куни беш маҳал ибодат қилганликлари учун қамаганлар.

(Давоми келгуси сонда)

ТАБИЙ ДОРИ-ДАРМОНЛАР / СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Хулоса

Инсонлар турли мижозларга эга бўлганлари учун ўз мижозларига мос таомларни ва ҳаракатларни танлашди. Табиий яшаган кишининг танлови ҳам тўғри бўлади. Мижозни бузмаслик учун туғилганидан бошлаб бола-нинг табиий истакларини муҳофаза этмок керак.

Нормал туғилиш билан дунёга келган, 2 ёшигача эмизилган болаларнинг истаклари табиий бўлади. Улар мижозларига зарарли таомларни умуман оғизларига олишмайди, юзларини ўгиришади. Фақат ота-она ва атрофдагилар болаларнинг хоҳишларини тизимли равишда ўз раёларига бўйсундиришга ҳаракат қилиб, болаларни табиий юриш-туриш ва хоҳишлардан узоқлаштиришади. Табиий бўлмаган барча тайёр ва қўшимчали таомлар, озикланиш қоидаларининг бузилиши, дори истеъмол қилиш, табиий бўлмаган ўтириш ҳолатлари, нам рўмолча ва тайёр без (памперс) қўллаш табиий хоҳишларни зарарли одатларга айлантиради.

Буларнинг барчаси инсоннинг мижозига тўғри келмаган таом танлашга, мижоз ўзгаришларига ва касалликларга олиб боради. Мижоз бузилганидан кейин, истаклар кетидан кетиш - жарга юриш демакдир. Бундай ҳолатда мижоз хусусиятларини ўз ҳолига келтириш учун танани тозалаш ва очлик қилиш керак. Оч қолган инсоннинг ҳид ва таъм билиш туйғулари ўзига келади, хоҳишлари жонланади ва табиийлашади, мижознинг хусусиятлари янгидан юзага чиқади.

Инсон табиий зайтун ёғи, пиёз, саримсоқ, кўкатлар, мева, қисқаси фақатгина соғлиқ учун фойдали ва мижозига мос таомларни хоҳлаб, қўшимча модалди таом, ичкилик ва сунъий ароматлардан қочишга бошлайди. Инсон фақат ўшанда таомларда энг тўғри танловни қила олади. Овқатларни тўғри танлай билган инсоннинг фикрлари ва ҳаракатлари ҳам тўғри тарафга ўзгаради. Мева, сабзавот, қоразиворлар ва кўкатлар табиий бўлса ва тўғри танланса, улар фақатгина таом эмас, касалликларга қарши қўрғон ҳам бўлади. Кишилар юқорида келтирилган энг фойдали таомлар рўйхатидан, ўз мижозига қараб, кераклисини таом ёки дори сифатида қўллашлари мумкин.

Бугунги инсон олдига қўйилган юзлаб таомларнинг барчасидан фойдаланиш тушунчаси янглиш. Аслида, инсон қанчалик кам еса, шунчалик соғлом бўлади. Қадимги олимлар ўсимлик зикрини эшитиб, бир органнинг зикри қайси ўсимлик зикрига мос бўлса, ўша ўсимлик шу орган учун шиқоли эканини билишган. Яъни, ўсимликлар инсон аъзолари (хужайралари)

нинг зикрини тўғрилашда, тузатишда ёрдамчи бўладилар. Бу мавзуда Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) илми бутун ўтган ва келажак олимларнинг илмидан устун эканига заррача шубҳа йўқ. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Менимча, асал каби шиқо йўқ”, дер экан, бу демак, касалликларга қарши муолажаларда асал қўллаш энг ақлли йўлдир. Фақат фойдали бўлган неъматларнинг атрофига бир тузоқ қўйилиб, бу тузоқ фойдали бир неъматни фойдасиз ёки зарарли қилиб қўймоқда. Масалан, асалга ҳийла (арома, глюкоза, фруктоза) қўшиш, мева, сабзавот ва донлиларнинг генини ўзгартириш, ёғларни гидрогенлаш ва ичига қўшимча модалар қўшиш бу тузоқлардан бир нечтаси холос.

Бу тузоқлардан ўзини сақлай олган киши, яъни ейдиган нарсаларини ўзи тайёрлаган, табиий таомни кўпайтириш, табиий таом ейишни тақрор анъанага айлантиришни ташвиқ қилган киши, Аллоҳнинг изни билан, ўзи ҳам соғлом яшайди, атрофини ҳам соғломлаштиради.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

*«Ҳар дарднинг асли кўп ейиш, ҳар давонинг асли очликдир». (Ҳадис)
«Кўп ейиш касаллик моясидир»
(Ф.Аттор)*

«Еганларингизни ҳазм қилмасдан, тақрор ейишдан сақланинг». (Ибн Сино)

Тўғри озикланиш

“Эй пайғамбарлар! Пок бўлган нарсалардан энг ва солиҳ амаллар қилинг” (“Муъминун” сураси, 51). Дикқат қилинса, бу оятда ейиш, амалдан аввал келмоқда. Таом ейишни билмаган киши тўғри ва нотўғрини ажрата олмайди, солиҳ амал қила олмайди. Ўзига яхшилиги бўлмаган кишининг эса бошқаларга ҳам яхшилиги тегмайди. Буюқларимиз: “Аввал овқат ейишни ўрган, кейин маърифатдан гапир”, дейишган. Бугун кишилар тўғри озикланишни унутганларига қарамай, тинмасдан маърифатдан гапирмоқдалар. “Аъроф” сурасининг 31 оятида: “Енглар, ичинглар фақат исроф қилманглар. Чунки У исроф қилганларни севмайди”, - дейилмоқда. Шундай экан, ейишда чегарани билиш керак. Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Кундуз ёруғлиги ва кеча қоронғулигида икки марта ейиш ва ичиш исроф ва иллатдир”, деганлар. Ейиш ва соғлиқ илк нафасдан сўнги нафасгача ҳар доим керакли бўлгани учун ейиш-ичишда хато қилиб қўйиш осон. Ҳазрати Одамнинг жаннатдан ерга тушишларига сабаб бўлган нарса ҳам таомдир. Ёмон ахлоқ ва ҳаракатларни юзага чиқарган, барча касалликларнинг манбаси бўлган, яратилишни унуттирган ва инсонларни бахтсиз-

ликка тортган нарсалар - ортикча ейиш ҳирси ва тўғри озикланишга аҳамият бермаслик. Таомланиш одатларини тузатмасдан касалликлардан қутулишнинг имкони йўқ. Чунки бу шаклда, касаллик бир томондан даволаниб, бошқа томондан озикланади. Шунинг учун ҳар қандай касалликнинг давоси аввало озикланиш одатини тузатишдан бошланади: Аввало, зарарли таомлар ўрнига фойдали таомларга, пиширилган таомлар ўрнига пиширилмаган егуликлар – мева-сабзавот ейишга одатланиш керак. Одатда бир кунда ейилган таомнинг 40% пишган (нон билан) таомлар, 60% мева-сабзавот бўлиши керак.

Иккинчи босқич эса еб-ичиладиган нарсаларнинг миқдорини камайтиришдир. Таомланиш кунда 2 мартага туширилиши керак ва уларнинг ораси 6-8 соатдан кам бўлмаслиги керак. Таомланишда аввало сув ёки чой ёки мева шарбати ичилса, кейин мева ёки ширинлик, охирида таом ва салат ейиши керак. Масалан, эрталаб:

Кўк чой (ёки сув) 1-2 чой қошиқ асал. 80-100 гр нон 15-20 гр сариеғ (сариеғ асал, занжабил ёки долчин билан араштирилиши мумкин). Ёки Тарвуз (унинг ўрнига сабзи, мева суви ёки мева еса бўлади). 40-50 гр пишлок (ёки 1-2 дона тухум), 5-7 дона зайтун, 100-150 гр салат, 50 гр нон. Кечкурун: Мева, қовун ёки тарвуз. Қоразиворли сабзавот таоми билан қатик ёки гўшт, нон ёки палов. Ёки Сабзи суви, мева суви ёки шўрва. Гўшти таом (ёки балик), салат. Таомдан 1,5-3 соат кейин сув ичса бўлади. Нонушта учун энг мос соат 7- ораси, кечки нонушта учун эса аср-шом орасидир. Бу ерда қуйидагига эътибор қилиш керак: ҳазм аъзоларининг кунли вазифаси соат 21.00 тугайди. Бу соатда ошқозонга келган овқат ошқозонда эрталабгача ҳазм қилинмасдан қолади, бу эса рефлюза сабаб бўлади. Ошқозонда ҳазм қилинмаган овқат ичаклардаги мухитга хужум қилади. Таомнинг миқдори ва тури инсоннинг ишига, ҳаракатига ва яшашига боғлиқ. Фақат 250-300 граммдан кўп емаслик ва тўймасдан дастурхондан туриш керак. Тушишда табиий чой, табиий қахва, сув ичилса бўлади ёки бир қанча мева ейиш мумкин. Сувни таомдан аввал ичиш керак. Аммо юқорида айтганимиздек, бурун пишган таом ҳидини ҳидлаганида оғиз ва ошқозон безлари бу таомнинг ҳазми учун керакли ферментларни чиқаришни бошлайди. Таом билан бирга ичилган сув эса чайнаш вақтида туфук ферментлари билан оғизда бошланган ҳазм жараёнига зарар беради.

(Давоми кейинги бетда)

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Давоми боши олдинги бетда

Туфук ишлаб чиқариш камайд, туфукдаги ферментларлар аралашиб, уларни кучсиз қилади ва оғизда маълум даражагача давом этиши керак бўлган ҳазмга тўсқинлик қилади. Натижада ошқозон, жигар ва ичакларнинг иши қийинлашади. Таомдан кейин ичилган сув ошқозондан ичакларга тушмайди ва ошқозонни кенгайтиради. Ферментларга аралашиб, уларни кучсизлантиради, ҳазм билан машғул бўлган сўлак безлари ва юракка оғир юк бўлади. Таомдан кейин организм сув талаб қилса, фақат бир неча ҳўплам ичиш мумкин. Мева ёки тарвуз ейиш, чой, сув ёки мева суви ичиш талаб қилинса, таомдан 30 дақиқа – 1,5 соат аввал еб-ичилиши фойдали. Шундай ейилса, улар ошқозонда кўп турмасдан ичакка тушади ва ошқозон кенгайишининг олдини олади. Таомдан 1,5 – 3 соат кейин ошқозоннинг ҳазми охирига яқинлашиб, кишининг чанкаши табиий. Бу пайтда сув ёки шакарсиз ялпиз, жамбул, занжабил, далачай чойи ёки кўк чой ичиш учун, тарвуз ёки қовун ейиш учун энг яхши пайтдир. Аммо туриб қолган, табиий бўлмаган ёки аралаш овқатланганларнинг, ҳазми заиф бўлганларнинг ҳазм қилиши янада узок вақт давом этиши сабабли бу тоифадаги кишилар сувни кечроқ ичишлари керак. Овқатланаётганда лукмани кичик олиб, камида 15 марта, энг яхши шаклда 30 марта чайнаб, ютиш керак. Шуни унутмаслик керак-ки, сут, янги сиқилган мева ва сабзавот суви ҳам таом ўрнига ўтади. Уларни ҳам кичик ютумлар билан оғизга олиб, илтиб ичиш керак.

Ошқозон, талок ва ичаклар ишлаганининг бузилишини тўғрилаш учун таомланишни тартибга солиш, чайнаш сонини кўпайтириш керак. Соғлигини сақлашни истаганлар ейдиган таомларнинг турфалиги (ассортимент) ни камайтиришлари, мева, сабзавот ва таомлардан бир нечта хилини танлаб олиб, доим ўшаларни ейишлари керак.

Инсон таомларни тўғри танлаб еганидан сўнг қувват ва энгиллик ҳис қилади, уйқуси қисқаради, газ ҳосил бўлмайди, катта ҳожат муаммоси бўлмайди. Таомлар нотўғри танланса, оғирлик келади, уйқу босади, ухлаётганда хуррак отади, ичакларда газ ҳосил бўлиб, ич қотиши юз беради, тер ва оғиздан хид кела бошлайди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) хурмо, узум, қовун, тарвуз, бодринг, ошқовоқ, селдир, асал, қаймоқ, сут, ясиқ, гуруч палови, кешкак (буғдой билан пиширилган гўшт), қовун ва қуш гўштини яхши кўрар эдилар. “Рабимдан ҳар куни гўшт ейишни насиб қилишини хоҳлаганимда, насиб этарди”, деганлар. Аммо буни хоҳламай, ҳаётлари давомида аксарият пайтларда



сув ва хурмо билан кифояланганлар.

Халқ орасида “Қанчалик кўп ва турли таомлардан есам, соғлигимга шунчалик фойдали. Турли нарсалардан ейишда кўп витамин, керакли моддалар бор, улар касалликларга қарши куч беради”, деган тушунча бор. Шундай бўлганида бойлар доим соғлом, камбағаллар эса доим касал бўлишарди. Ҳолбуки, ундай эмас, унинг аксидир. Турли таомларнинг аралашмаси ошқозонда ҳазм бўлмасдан, чирийди. Чириган таомларнинг қолдиқлари капилларлар (майда томирлар) ни тикилтиради. Бу ҳолатда тўқималар эҳтиёжи бўлган озик модда ва витаминлардан маҳрум қолади. Натижада, аралаш таом еганлар доимо ўзларини оч ҳис қилишади. Бундай пайтда улар ҳақиқатдан ҳам оч бўлишади.

Кам еганлар эса тўқдир. Улар кунига 2 мартадан кўп емаганлар. Еган овқатини осонликча ва охиригача ҳазм қилишади. Баданларида зарур озукалар қонга аралашади, зарарлилари ташқарига чиқарилади. Ошқозон, ичаклар ва томирлар тоза, чидамли ва соғлом қолади. Соғлом ичакларда нормал микроблар яшайди. Бу микроблар витаминлар ҳамда керакли озик моддаларни, ҳатто протеинларни ҳам ҳаводаги азот воситасида синтезлайди. Керакли озик моддалари қон билан тўқималарга юборилади, хужайраларни тўйдиради.

Буюкларимиз: “Очлик аъзоларни тўйдиради, тўқлик эса оч қолдиради”, дейишган. Оғир иш қилганлар ва спорт билан шуғулланганлар кўп ейишади. Улар мускулларини ривожлантириш учун озикланиш қоидаларини бузмасдан, пишган таомни 250 граммдан кўп емай, биринчи навбатда протеинли таомларга аҳамият беришади. Протеинли таомларнинг энг яхшиси янги сабзавотдир (исмалоқ, яшил ловия, петрушка, шивит, қоратундақ, селдир барги, семизўти ва бошқалар). Гўшт, балиқ, тухум ва пишлоқлар кўкатлар билан ейилиши керак.

Кам ҳаракатли кишилар,

озикланиш қоидаларини бузмасдан, керагидан ортиқ ейишса, оғир касалликларга дуч келишмасалар-да, семирishi мумкин. Улар баҳорда тумов, йўтал, аксирish, баъзан иссиғи чикиш, бурун қонаши, қусиш, хайзнинг узайishi билан ортиқча моддаларини ташқарига чиқаришадилар.

Меъёридан ортиқча таом истеъмол қилган кишилар ортиқча вазни кўтариб юришга ва тез қаришга йўликадилар. Бизга берилган умр билан бирга ризқимиз ҳам берилган. Бу унутилган ҳақиқатни қуйидаги хикоя орқали эслашга ҳаракат қилайлик: “Ҳақ Таъоло бир товус яратади ва унга дунё тўла ризқ водийларини беради. Товус ўзига берилган ризқни кўп кўриб, ўйлаб ўтирмасдан, йиллар давомида ейди. Охирида 10 дона водий қолади, шунда товус кўрқувдан кунда фақат 10 дона экин ейишни бошлабди. Сўнгида бир дона водий қолганида қуш 1 дона экиндан еб бошлабди. Ўзига берилган ризқ тугганида, қушнинг ажали келибди.”

Бугун олимлар чекланган, оз миқдорда ем еган ҳайвонларнинг кўп миқдорда ем еган ҳайвонлардан кўпроқ яшашишни, оз ем ейдиган ҳайвонларнинг эса кўп яшашини таъминлайдиган гени аниқлашган. Умрнинг узайишини таъминлаган бу ген бошқа генларнинг ишлашини тартибга солиб турар экан. Олимлар бир ҳайвон ейдиган ем миқдорининг 70% ни бериш ҳайвон умрини 20-30%га узайтирганини аниқлашди.

Бугунги инсон кунда 4-5 кишининг таомини ейиш билан турли касалликларга учрамоқда ва соғлигини йўқотмоқда. Бундай озикланган инсонларнинг охири яхши бўлади деб ҳеч ким айта олмайди, ҳатто бу кишиларнинг ҳолларини “паришон” сўзи тўғрроқ ифодалайди.

Иймонли ва кам еган кишилар эса соғлигини йўқотмасдан, қарилик тубига тушмасдан, оғир касалликлар натижасида эмас, ризқи туганидан сўнг, яъни ажали келганидан сассиз-садосиз бу дунёдан айрилишади.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



www.uzxalqharakati.com

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош